


“...Ислоҳ оламида ягона тоза булоқ каби сақланиб келаётган Ўрта Осиёни, Хива, Бухоро ва Самарқанднинг табаррук зиёратгоҳларини кўриш азалий орзуим эди...”



(4-саҳифада ўқинг).

ТАМАДДУН

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ТУТАШГАН НУҚТАДА

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Аҳмадали Асқаров билан илк суҳбатимиз газетамизнинг аввалги сонларидан бирида эълон қилинган эди. Унда Наманган вилоятидаги Учтепа қадимий ёдгорлигида олиб борилаётган ишлар, Ҳайлам ёдгорлиги тарихи, унинг топилиши ҳақида сўз юритилганди. Муҳтарам олимимиз билан бу галги мулоқотимиз туркий давлатларнинг шонли тарихи ҳамда айни пайтда хорижлик археологлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадқиқотлар мавзусидан бошланди.



– Хурматли устоз, сиз археология соҳасидаги хизматларингиз учун TWESCO – Халқаро Турк академиясининг махсус олтин медали билан тақдирлангансиз. Хўш, туркий давлатлар археологларининг ҳамкорлиги бугун қай даражада? Қадимда туркийлар ягона ҳудудда яшаганларми? Ҳозир аниқланаётган топилмалар орасида бунга доир далиллар борми?

– Муҳтарам Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли туркий давлатлар ўртасидаги дўстлик ришталари ҳар жиҳатдан мустақамланиб бормоқда. Жумладан,

туркий давлатлар археологлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда. Масалан, халқаро илмий анжуманлар ўтказиш, китоблар чоп этиш ишлари шулар сирасидандир. Аммо қўшма археологик экспедициялар ташкил этиш масаласида иқтисодий қийинчиликлар борлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада хитойлик археологлар ташаббуси билан археологик изланишлар яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Жануби-ғарбий Хитой университети археологлари билан Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон археологлари ҳамкорлигида Фарғона йўлаги бўйича илмий

экспедициялар ташкил этилди. 2023 йили экспедиция Наманган вилояти ҳудудида изланишлар олиб борди.

Қадимда туркий давлатлар ягона ҳудудда яшаган даврлар бўлганми, деган саволга келганда, айтиш жоизки, туркий қабила ва элатларнинг илк ватани Евроосиёнинг шимолий дашт зоналари, яъни Қора денгизнинг шимоли-шарқидан Чукоткагача бўлган дашт ва тоғли ҳудудлар – Жанубий Сибирь, Энасой ҳавзалари, Тоғли Олтой, Жануби-шарқий Тяншан, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларидир.

(Давоми 2-саҳифада.)

МУНОСАБАТ

МИЛЛАТ ИФТИХОРИГА АЙЛАНГАН ДАҲО

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакат зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувлардан бирида Мирзо Улуғбекка баҳо берар экан, “Қайси миллат, қайси халқ Мирзо Улуғбекдай сиймоси борлиги билан ғурурлана олади, унинг буюк ишлари билан фахрлана олади?”, деб таъкидлаган эди. Жаҳонда ўзининг илмий кашфиётлари билан табиат ва жамият қонунларини очиб берган олим ва тадқиқотчилар сон-саноксиз. Лекин инсоният тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган даҳоликка даъвогар шахслар кўп эмас.



Мирзо Улуғбек ҳеч шубҳасиз, ана шундай халқаро миқёсда тан олинган даҳо ҳисобланади. Президентимиз Мирзо Улуғбекка баҳо берганида айнан шунини назарда тутган эди.

Мана бир неча асрдан бери Мирзо Улуғбек ватанимизни дунёга танитиб келмоқда. Унинг бундай роли, айниқса мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Ҳақиқатдан ҳам дунё харитасида 1991 йилда пайдо бўлган янги давлатда қандай халқ яшайди, улар кимнинг қорислари, деган саволга “Биз Аҳмад Фарғонийнинг, Муҳаммад Хоразмийнинг, Абу Райҳон Берунийнинг, Ибн Синонинг ва, ал-

батта, Мирзо Улуғбекнинг авлодларимиз” деб баралла гапириш имконига эга бўлди. Улуғ аждодларимиз қаторида ҳам буюк давлат арбоби ва ислохотчи, қомусий олим, устоз ҳамда иқтидорли бунёдкор бўлган Мирзо Улуғбекнинг ўрни алоҳида.

Юртимиздаги кўплаб аҳоли яшаш масканлари, таълим муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, пойтахтимиздаги йирик туман Мирзо Улуғбек номи билан аталган. Мамлакатимиз ва хорижда унинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилган.

(Давоми 2-саҳифада.)

ФЕСТИВАЛЬ



КИТОБ – БИТМАС ХАЗИНА

Кузнинг салқин нафаси уфуриб турган Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган “Green Hills Resort” дам олиш масканига кириб борар эканмиз, узун йўлнинг икки четига қатор жойлаштирилган “Битмас хазина” китоб кўргазма-ярмаркаси ва бу расталарга терилган турли ҳажмдаги, турфа ёшдаги китобхонларга мўлжалланган турли-туман, катта-кичик, мўъжаз китобларнинг бетакрор ранглар жилоси кўзни қамаштирди. Мактаб ўқувчилари, талабалар, фестиваль иштирокчилари китобларни қизиқиб томоша қилишар, ўзаро қизгин фикр алмашишарди.

Тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг “Муаллифлик ҳуқуқи ва таржима масалалари”га бағишланган конференция бошланди. Унда Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаменти бош мутахассиси Акмал Акрамов, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчи Эркин Аъзам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хуршид Дўстмуҳаммад, ёзувчи Абдуқаном Йўлдошев, ношир Фируз Аллаев ва бошқа иштирокчилар фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини билдириб ўтишди.

(Давоми 8-саҳифада.)

ШУКУҚ

ВАТАН КЎНГИЛДАДИР, КЎНГИЛ ВАТАНДА



Давлатимиз раҳбари президентлик лавозимига киришгач, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан ишлаш ва мулоқот қилиш масаласини давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди.

Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида 2018 йил 25 октябрда “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Мазкур ҳужжат бугун бу йўналишда қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларимиз асоси сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан мунтазам мулоқот олиб бориш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш, Янги Ўзбекистон ислохотларида уларнинг иштирокини таъминлаш, хусусан, қалбида Ватан ва юртга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Ватандошларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

(Давоми 5-саҳифада.)

КҮН МАВЗУСИ

“ҚАРС ИККИ ҚҮЛДАН... ҚАРЗ-ЧИ?”

Ёхуд қармоқни ҳам иштиёқманд овчига бериш керак

...Тоғамнинг ўғли ҳарбий хизматдан кейин маълум муддат йўл қуриши идорасида ишлади, аммо қатнаб ишлаш жонига теғдими бир кунда бўшди. Мана ўн беш йиллар бўлди, бирор қорхона ёки ташкилотда ишламайди.

Яқинда келин туширди, эл қатори тўй берди. Беш йил олдин янги русумдаги енгил машина ҳам олганди. Яна уч нафар фарзанди ҳам бор. Тўю енгил машина... ва рўзғор қозони нима ҳисобдан, деган ҳақли савол туғилади. Айримларнинг хаёлига четда ишлаётгандир деган ўй келгандир. Йўқ, у қирқ беш ёшга кирибдики, ҳали юртимиздан четга чиқиб кўргани йўқ.

(Давоми 3-саҳифада.)



МИЛЛАТ ИФТИХОРИГА АЙЛАНГАН ДАҲО

Бошланиши 1-саҳифада.

Лекин Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва оммалаштириш борасида олдимизда ҳали муҳим вазифалар турибди.

Куни кеча мамлакат Президентининг “Буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори айнан шу муҳим вазифани ечишга қаратилган. Қарорда қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Жумладан, “Жаҳон тамаддуни ривожига Мирзо Улуғбек илмий-маърифий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида илмий-адабий учрашувлар ўтказиш, ёшлар театр-студияларида Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига оид спектакллар саҳналаштириш, алломанинг илмий-маърифий меросига бағишланган кўргазмалар ахборот воситаларини, медиа маҳсулотлар ва аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, интернет ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ҳамда тўтиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қарорда Самарқанд шаҳрида 2024 йил 10-11 октябрь кунлари “Мирзо Улуғбек: буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилиши белгиланган. Самарқанд обсерваторияси фаолият қўрсатган даврдан бери олти аср давомига унда эришилган илмий натижалар олдин Шарқда, XVII асрдан бошлаб эса Фарбда ўрганилиб келинмоқда. Лекин буюк аллома меросининг бошқа кўплаб қирралари ҳали тўла очилгани йўқ. Бу осон иш эмас, албатта. Чунки у ўрта аср кўлэмалари билан ишлашни, чуқур таҳлилий ёндашувни талаб этади. Шунинг учун Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманга жаҳонда эътироф толган айни соҳанинг йирик мутахассисларини жалб этиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, анжумани ўтказиш орқали буюк ватандошимизнинг умумбашарий илм-фан ва таълимни ривожлантиришдаги ролига яна бир бор жаҳон ҳамжамияти зиёлиларининг эътиборини қаратиш режалаштирилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига алломанинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асарини ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп қилиш, “Тўрт улус тарихи” номли тарихий асарининг ўзбек тилига таржимасини қайта нашр этиш топширилган. Ўз вақтида Мирзо Улуғбекнинг шоғирди Али Қушчи Самарқанд обсерваториясида яратилган шох асар – “Зижи жадиди Кўрагоний”ни Истанбулга олиб борган ва уни кўп нусхада кўчиртириб Усмонийлар давлатидаги барча мадрасаларга тарқатган. Бу иш асарининг янада машҳур бўлиши ва Европага тарқалишида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда бу асар мамлакатимиздаги барча кутубхоналар ва рекурс-марказларининг энг марказий китоб жавонларининг тўрида туриши керак. Зеро, барча ёшларимиз унга қайта-қайта назари тушиб, буюк аждодимиз асаридан илҳом олсин.

Қарорда назарда тутилган яна бир муҳим тадбир бу – “Осмон тоқига қўйилган нарвон” номли бадий-публицистик фильм тақдимотини ташкил этишдир. Мазкур фильмда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Россия олимлари томонидан Мирзо Улуғбекнинг буюк меросини ва унинг жаҳон илм-фани ривожигаги ўрни ва ролини очиб беришга ҳаракат қилинган. Киноасарнинг бадий қисмида жаҳоннинг машҳур киноюлдузлари Арманд Ассанте (Мирзо Улуғбек ролида), Винсент Кассель (воқеаларни тақдим этувчи) ҳамда ўзбек актёрларидан Маъруф Отажонов (Амир Темури ролида), Жаҳоҳир Зокиров (Абдулатиф ролида) иштирок этишган. Кинофильм дастлаб инглиз тилида тайёрланиб, бир қатор кино-фестивалларда намойиш этилган. Эндилдиқа ушбу фильмни ўзбек тилида кенг жамоатчиликка тақдим этиш вақти келди.

Президентимизнинг ушбу тарихий қарори миллатимиз ифтихориغا айланган даҳо – Мирзо Улуғбек шахсини ва меросини яна бир бор жаҳон зиёлилари ҳамжамиятига ва аҳолимизнинг кенг қатлами, айниқса ёшларимизга кўрсатиш билан боғлиқ барча зарурий чора-тадбирларни қамраб олган. Биз олимлар, ўқитувчи-профессорлар, журналистлар ҳамда барча зиёлиларнинг бурчи мазкур қарорда белгиланган мавжуд тадбирларни юқори даражада амалга оширишдан иборатдир.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзР ФА Астрономия
институтининг директори,
академик

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК

ТУТАШГАН НУҚТАДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Миллодан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталаридан аждодларимиз қорваси учун яйловлар қидириб Урта Осиё ҳудудларига келган. У даврларда туркий уруғ ва қабилалар ягона давлатга биришмаган, уруғчилик жамоалари тартибда сардорлар бошчилигида яшаганлар. Уларнинг жанговар суворийлари Месопотамия, ҳатто Африка қитъасига қадар кириб борган. Бу жараёнлар археологик материалларда яхши кузатилади.

– Собиқ совет даврида марказ ва миллий республикалар археологлари ҳамкорлигида бир қатор изланишлар олиб борилган. Мустақиллик йилларида бу аъёнлар қайси давлатлар археологлари билан намунали тарзда йўлга қўйилди?

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳукм сурган тинчлик, барқарорлик шароитида ҳамкорлик доираси кенгайди. Россия, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Греция, Польша, Австралия каби мамлакатлар археологлари билан ҳамкорликда мустақил Ўзбекистон ҳудудларида археологик изланишлар олиб борилди. Уларнинг молиявий кўмагида хизмат сафарлари, стажировкалар ташкил этилди. Археология илмий марказлари билан илмий адабиётлар алмашинуви аввалгидек давом эттирилди, хорижий мамлакатларда ўтган илмий анжуманларда археологларимиз ўз маърузалари билан фаол қатнашдилар.

Аммо бу даврда Марказий Осиёдаги қўшни республикалар археологларининг ўзaro ҳамкорлик экспедициялари ташкил этилмади, соҳа олимларининг изланиш объектларига аввалгидек расмийликсиз бориб келиш ва танишиш имкониятлари кескин чекланди. Оқибатда қўшни давлатлар зиёлилари ўртасида маданий мерос талашини муаммоси туғилди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев туркий давлатлар ҳамкорлиги масаласига катта эътибор қаратиб, минтақамизда бу борада юзага келган мураккаб вазиятни юмшатишга йўл очди. Умид қиламизки, қўшни давлатлар археологлари орасидаги ҳамкорлик аъёнларини келгусида ривож топади ва унинг географик доираси янада кенгайди.

– Сиз Сополлитепа ва Жарқўтон археологик ёдгорликларининг очилиши ва ўрганилиши муносабати билан Зардуштийлик дини бизнинг юртимизда пайдо бўлганини асослаб бергансиз. Қарийб бир ярим минг йиллик даврни қамраб олган тарихимизни ўзида мужассам этган мазкур таълимнинг ўрганилиши ҳозир қай аҳволда?

– Бронза даврига тегишли Сополлитепа ва Жарқўтон археологик ёдгорликларини шоғирдларим билан бирга ўргандим. Ҳозир майдони юз гектардан кам бўлмаган Жарқўтон шаҳристонидан издошларим тадқиқот олиб бормоқда. Жарқўтонда оташпарастлик динига доир монументал Қуёш ибодатхонаси топилган. Кейинги илмий ишларимда мен уни илк зардуштийлик ибодатхонаси сифатида талқин қилдим. Чунки бу ерда зардуштийликка хос тўрт унсурнинг барчаси ўз аксини топган. Масалан, ибодатхона ҳудудида алтар-ўчоқлар, бош оташкада (олов тисмоли) ва суви тотли муқаддас қудук (оби ҳаёт тисмоли) бор, ташқаридан келган зиёратчилар ибодатхонанинг очик ҳовлисида, оташкадага топинишга бориш йўлига махсус тошлар ётқизилган (она тупроқ тисмоли). Сўнги Жарқўтон боқичидан бошлаб яшаш хоналари ери остига жамоа аъзоларини қўйиш ман этилиб, аҳоли турар-жойларидан ташқарида дахмалар очилган. Мақсад аҳоли турар-жойларининг ҳавосини тоза сақлаш бўлган.

Оташпарастларда марҳумни ерга қўммасдан, оstdонларга солиб дафн этиш удуми шаклланиган. Бу Сополлитепа ва Жарқўтонда ўз аксини топган. Митти оstdонларини яшаш бошланган. Бу далилларнинг барчаси зардуштийликнинг илк даврдан гувоҳлик беради. Тўғри, бронза даврини Зардушт шахси билан боғлаб бўлмайди. Чунки Зардушт миллодан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг биринчи ярмида яшаган тарихий шахсдир. У ўз даврининг буюк файласуфи ва ислохотчиси, буюк ислохотчилик хизматлари учун маздаизм дини унинг номи билан зардуштийлик дини деб ҳам аталган.

Бу диннинг илоҳи Ахура Мазда саналган, маздаизм таълимоти ривожига Зардуштнинг хизмати катта бўлган. “Авесто” ва унга ҳамоҳанг “Ригведа” китобларида ўз аксини топган таълимот Европа ва рус шарқшунослари томонидан яхши ўрганилган. Уларнинг раҳбарлиги ва илмий асарлари руҳида тарбияланган ўзбек олимлари анчагина. Жумладан, авестошунос профессор Мирсодиқ Исҳоқов ва унинг шоғирдлари маздаизм таълимотини тадқиқ қилишда давом этмоқдалар. Исҳоқов сингари “Авесто” тили ва унга яқин қадимги сўғд тилини амалда биладиганлар Россия ва Европада ҳам санокли қолган. Бу масала ҳозир долзарб муаммодир.

– Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган ипак, пахта ва бошқа хунармандлик маҳсулотлари, боғдорчилик излари ўша давр ҳаё-

тини тасаввур қилишга ёрдам берадими?

– Албатта. Жанубий Ўзбекистонда (Сурхондарё вилояти) Сополлитепа ёдгорлиги маданий қатламларидан пахта чигити топилгани қадимги Шарқда Ўзбекистон ҳудудлари Ҳиндистон ва Мисрдаги каби пахтачилик маданияти марказларидан бири бўлганини, Сополлитепадаги қабрларда табиий ипак матодан тикилган кийим парчалари, шунингдек, тут дарахтидан ясалган тароқ, тут барги билан ипак курти боқилганга доир далилларнинг учраши бронза даврида ипакчилик ҳўжалиги ривож топганидан дарак беради. Шунингдек, жийда, бодом, узум, анжир уруғлари учраши эса боғдорчилик маданияти юксак даражада ривожланганининг исботидир. Бўғдой, арпа, тарик, нўхат каби бошоқли ўсимлик доллари ўша вақтда маданийлаштирилган, лекин бизгача қуйиб, қорайиб кетган ҳолда етиб келган.

Буларнинг барчаси ҳеч бир муболағасиз, ўша даврдаги иқтисодий ҳўжалик ҳаётини тасаввур қилишга ёрдам беради. Чунки Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида суғорма деҳқончилик маданияти тараққий этган, миллодан аввалги иккинчи минг йиллик бошларида эса пахта экилган, ипак курти боқилган, боғдорчилик ва суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган.

– Кўпчилик оташпарастлик, маздаяснийлик, зардуштийлик ва мажусийлик сингари тушунчаларни аралаштириб юборади. Уларнинг фарқи нимада?

– Аслида оташпарастлик, маздаяснийлик ва мажусийлик тушунчаларини замирида зардуштийликнинг диний-фалсафий асослари ётади. Оташпарастлик – қуёшга, нурга, оловга сиғиниш демақдир. Унинг тарихий илдизлари жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Археология топилмалари, қадимги ёзма манба ҳисобланган “Авесто” ва унинг тарихий лингвистик таҳлилига кўра, зардуштийлик Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бир неча мамлакатларида кенг тарқалган. Зардушт буюк файласуф сифатида қабилавий динлар жамият ривожига жиддий тўсиқ бўлаётганини чуқур англаб етган. Зардушт таълимоти, ёруғ оламни яратган бош илоҳ Ахура Маздадир. Нур, Қуёш эса унинг самодаги ўғли деб тарғиб қилинади. Зардушт – қадимги паҳлавий тилида “Магупта”, яъни Ахура Мазданинг ердаги оловга сиғинувчи бандаларининг диний мубоди деган маънони англатади. Паҳлавий тилидаги манбаларда Исломга қадар қад кўтарган қадимги шаҳар харобалари ва мудофаа деворлари билан ўралган қалъалар оташпарастлар яшаган макон сифатида талқин этилади. Бу макон ва манзилларни олимлар араб тилида “мажус”, мажусийлар яшаган манзиллар деб атаганлар. “Авесто”да Ахура Мазда олий худо ҳисоблангани учун маздаизм ёки маздаяснийлик дини деб ҳам аталган. Демак, оташпарастлик, маздаяснийлик, мажусийлик турли номларда бир диннинг турлича атилишидир.

“Авесто” замирида жамият яхшилиги ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашдан иборат, деган таълимот ётади. Одамдаги ҳамма яхшилиқлар Ахура Мазда, ёмонликлар эса Ахриманда ифодаланади. Бу кураш абадий давом этади. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили Ахура Мазда таълимотининг асоси. Агар одамлар шу таълимот асосида яшасалар, яъни деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва боғдорчилик ривожланиб, жамиятда мўл-кўлчилик бўлса, Ахура Мазда бундан мамнун, Ахриман гамага ботади. Қурғоқчилик бўлиб қаҳатчилик бошланса, Ахриман шод-хуррам бўлади.


Зардуштийлик талабига кўра, ҳар бир инсон Тангрининг яққо ягоналигини эътироф этиши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, илм ўрганиши, турли касбларни эгаллаши, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик ва боғдорчилик билан шуғулланиши, канал қазииши, экин майдонларини ёввойи ўтлардан мунтазам тозалашини, янги экинбоп ерларни очиши лозим. Шунда Ахриман азобланади.

Зардуштийлик фалсафасида марҳумларнинг жасадини тупроққа қўйиш ёки қуйдириш тақиқланади. Бу дин жоннинг ўлмаслигини, унинг абадийлигини тан олади, жаннат ва дўзахни эътироф этади.

Эрон ва Ўрта Осиёда Ислом дини ҳўкмон динга айланган. Баъзи зардуштийлар Ҳиндистоннинг Деҳли ва Гужарот вилоятларига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Ҳозирги кунда Эроннинг Язд ва Гилон вилоятларида 100 мингдан ортик, Ҳиндистоннинг Махараштра ва Гужарот штатларида 115 мингдан зиёд зардуштийлар истиқомат қилади.

– Туркизни ривожлантиришда археологиянинг ўрни беқиёс. Масалан, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий қалъалар бўйлаб саёҳат йўналишларини очиш мумкинми? Бу борада республикамизда қандай лойиҳаларни тақлиф қилган бўлардингиз?

– Мен саволингизни Қадимги Хоразм ҳудудидаги қалъалар бўйлаб саёҳат йўналишлари, деб ўзгартир-



ган бўлар эдим. Бу тарихийлик жиҳатидан тўғридир. Мен Хоразмда бир неча бор бўлиб, илмий анжуманларда фаол қатнашган ва Қадимги Хоразм тарихий муаммолари бўйича маърузалар ўқиган бўлсам-да, бу ноёб “Археологик қўриқхона”да дала тадқиқотлари билан бевосита шуғулланмаганман. Шунга қарамай, туристик саёҳат йўналишлари “Қадимги Хоразмда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши”, “Қадимги Хоразм – зардуштийлар ватани” каби мавзуларда тузилиши, бунинг учун эса, қалъалараро йўл харитасини ишлаб чиқиш, ҳар бир йўналиш бўйича тарихий ҳақиқатни халқ ривоятлари билан боғлаган ҳолда, маршрутнинг аниқ нўқталарини белгилаб, сайёҳларга мўлжалланган илмий-оммабоп маърузалар чоп этириш мақсадаги мувофиқ, деб ҳисоблайман. Чунки кўпчилик ёш гидлар тарих бўйича билими чала бўлгани боис чўпчак тўқишдан нарига ўта олмайдди. Мен бунга бир неча бор гувоҳ бўлдим.

– Термиздаги Археология музейи ҳар қандай сайёҳни ҳайратда қолдиради. Бошқа вилоятларда ҳам шундай музей очиш учун ўша ҳудудларда топилган экспонатлар етарлими?

– Бошқа вилоятларда, айниқса, Қорақалпоғистонда археология музейи очиш учун экспонатлар етарли даражада. Мен буни ҳеч иккиланмай айта оламан. Бироқ бундай музейни очиш учун жаҳон талабларига жавоб берадиган бино барпо этиш лозим. Ҳудудлар маъмурияти мубодо археологик музейи ташкил қилиш бўйича топшириқ берилса, унинг ўзига хослигига эътибор қаратмасдан, бўш турган биронта бинони ажратилиши мумкин. Шу боис юртимиздаги мавжуд музейларнинг аксарияти археология музейи талабларига жавоб беради. Ҳатто, сиз ибрат намунаси қилиб кўрсатган Термиз археология музейи биноси ҳам. У ерда экспонатлар намойиши кўнгилдагидай, аммо музейнинг ортида катта сақлаш иншооти бўлиши лозим. Унинг майдони экспонат заллари майдонидан икки-уч баробар катта ва кен бўлмаса, топилмалар қутиларда очилмай ётаверади.

Бундай музейлар йирик археологик ёдгорликлар қошида қурилмоғи даркор. У ерда эса, доимий ҳаракатдаги мавсумий илмий экспедиция ишлаб турмоғи мақсадаги мувофиқ. Бундай ёндашув Наманган ва Бухоро вилоятлари ҳудудларидаги Ахсикент ва Пойкент шаҳар харобалари қошида йўлга қўйилмоқда. Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри ҳудудида жойлашган Улкантўйтепа, яъни Қадимги Новқатда шундай музей ташкил этилиши мақсадаги мувофиқдир. Вилоятда нафақат, Археология, ҳатто Тарих музейи ҳам йўқ. Археологик музейларни ташкил этиш учун мутасадди давлат ташкилоти ҳисобланган Маданий мерос агентлиги малакали мутахассисларни ишга жалб қилиш лозим.

– Янги Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида эканига шубҳа йўқ. Сиз ҳаётингизнинг дастлабки 35 йилини илм-фанга, археологик изланишларга, кейинги 30 йилини эса ёшлар тарбиясига, улар қалбига тарихий тафаккурни шакллантиришга бағишладингиз. Ўғитларингиздан баҳرامанд бўлганлар сизни катта эҳтиром билан устоз, деб тилга оладилар. Бунинг боиси нимада?

– Ҳалоллик, поклик, холислик, ўз бурчимга, касбимга бор вужудим билан берилиб ишлаш, қайси давр бўлишига қарамай, Ватанга, унинг маданий меросини кўз қорачиғидек сақлаш, ҳар баҳада олдинги сафларда бўлиш менинг турмуш тарзимга айланган. Бу фаилатларни ота-онам ҳамда устозларим, машҳур академиклар Яҳё Ғуломов ва Иброҳим Мўминовдан, ўз даврида Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлган жасоратли олим Ҳабиб Абдуллаевдан, археологик изланишлар методикаси ва сирларини ўрганишимда илмий раҳбарлик қилган профессор Михаил Грязновдан ўргандим. Улар менинг ишга муносабатимни қадрладилар, ҳақиқат йўлидаги курашда ортимда улкан чинор бўлиб туриб бердилар.

Ҳаётим давомида бу сифатларни шоғирдларим, издошларим қалбига сингдиришга интилиб яшадим. Куним уларнинг илмий мақолалари, диссертацияларини ўқиш, тақриз ёзиш, самимий маслаҳат бериш билан ўтади.

Компьютердан фойдаланишни 1995 йилда ўрганганман. Шундан бери илмий ишларимни, фикр-мулоҳазаларим баёнини бошқаларга тезроқ етказишга интиланман. Бу эса менинг шоғирдларим, ҳозиржавоб бўлишимда асқотади. Агар бирор кун турли сабабларга кўра иш билан банд бўлсам, таълим хира бўлиб, ниманидир йўқотгандай юраман.

Янги Ўзбекистонимизнинг илм-фани равнақи йўлида хизмат қилишни умрининг мазмуни деб биладиган, илмда қатъиятли шоғирдларим етарли. Улар орасида Темури Широнови, Шопўлат Шайдуллаев, Боқижон Матбобоев, Насриддин Назаров, Нигора Эгамбердиева, Алишер Собиров сингари фан докторлари, профессорлар бор.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Ҳумоюн АКБАРОВ суҳбатлашди.



Бошланиши 1-саҳифада.

Беш йил олдин ишдан қайтаётганимда автобусда гурунглашиб келдик. Нима ишлар бошида экани билан қизиқдим. “Эрталаб Ҳазорасп тумани марказидаги “мардикор бозори”га бораман. Худоба шукр, ҳар куни бирор юмуш топилади. Кунига юз эллик-икки юз минг сўмча ишлаб топаман. Яна икки маҳал иссиқ овқати иш буюрувчи томонидан”.

Бу ёқда аёли бир бош соғин сигир ва икки бош новвос боқади. Томорқасида рўзгор қозонига тушадиган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришади. Яна, бир мавсумда икки марта ҳосил кўтаришади ҳам.

Унинг оиласи турли-туман атамали дафтарларда қайд қилинмаган. Гарчи оиласида ҳеч ким бирор жойда ишлама-са-да. Маҳалла раиси – аммасининг ўғли таниш-билишлик қилиб, ўша дафтарларнинг бирортасига тиркамаган. Сабаби, эл қатори кўрамгина иморати, яна янги енгил машинаси бор. Йилда бир марта енгил машинасида оила аъзоларини водий томонларга саёхату зиёратга олиб боришга вақт, имкон, маблағ топади ҳам.

Тоғамнинг меҳнаткаш ўғлини кўпларга ибрат сифатида кўрсатаман. Ахир “Ҳаракатда – баракат”, “Қимирлаган қир ошар” деган отасўзларимиз бор! Мардикорлик айримлар наздидагидек уятли юмуш эмас – мардининг қори мазмунига бир боқин!

Аммо яна афсуски, “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” деган отасўзи ҳам бизларга тегишли. “Осмондан чалпақ ёғишини кутиш...” қабилдаги кинояли ибораларни ҳам қачонлардир боболаримиз ўйлаб топилган.

Бу отасўзи ва ибора айрим қатлам вакилларига текизиб айтади – етти мучаси соғ, аммо бировлардан (давлатдан десак тўғри) эҳсону (шу қатламга эҳсон сўзи ёпишмади-да) ёрдам кутадиган ишқамас, боқимандаларга.

...Туман ҳокимининг сайёр қабулида қатнашимизга тўғри келди. Бўйи нақд икки метр келадиган алпқомат бир йигит “Рўзгоримда етишмовчилик, моддий ёрдам берсангиз”, деганида ҳайратдан ёқа ушладим. Ҳали ҳоким савол бермасидан олдин ўзимни тутта олмай “Бирор жойда ишласангиз бўлмайдими?” деб юбордим. Йигит менга ўқрайиб қаради: “Бунинг сизга алоқаси йўқ! Мен ҳокимга мурожаат қилмаман!” Ҳоким ҳам унга айтиш саволни берди. “Олдин юборган ишхонангизнинг маоши оз экан”, деб мингирлади у. “Турмуш ўртоғингизни тўқувчилик цехига ишга қўйгандик, аммо бир ой ишламай ташлаб кетибди. Сабаби не?” деб сўради ҳоким. Йигит бунга ҳам эътироз айтди: “Иш вақти тўғри келмади...” “Хаммага тўғри келган иш вақти нега тўғри келмайди. Соғлиги жойидами?”

Йигит яна қандайдир эътирозларини айта бошлади. Мен шу ўринда тоғамнинг ўғлининг тирикчилиги ҳақида гапиришга мажбур бўлдим, гап орасида “Тоғамнинг ўғлининг бўйи 1 метру 65 сантиметр, вазни 65 килограмм” деб атай қистириб кетдим...

Юқоридаги ҳолатларни нимага эсладим?

Яқинда камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган селектор йиғилишида Юртбошимиз маърузаларида келтирилган рақам ва фактларга эътибор қаратган эканман, Бош қомусимизда кафолатланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож кат-



“ҚАРС
ИККИ КЎЛДАН...
ҚАРЗ-ЧИ?”

Ёхуд қармоқни ҳам иштиёқманд овчига бериш керак

ламани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда сўнгги йилларда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилгани ва бу тизим муваффақиятли ишлаётганига гувоҳ бўлдим. Президентимиз камбағалликни қисқартириш борасида ишлар яхши йўлга қўйилган туманлар қаторида Хоразмдан Хонқа туманини тилга олдилар. Афсуски, бу борада ишлар ўлда-жўлда бўлган туманлар қаторида Тупроққалъа тумани эслаб ўтилди.

Хонқа вилоятдаги аҳоли сони бўйича олдинги ўринлардаги туман. Бугун туманда салкам икки юз минг аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли зич, ер майдонлари чекланган. Туманда уч йил олдин камбағал оилалар сони умуман ҳокимнинг 23 фоизини ташкил қилган бўлса, бугунда бу кўрсаткич 14 фоизга тушган. Йил охиригача кўрсаткичи 6,2 фоизга тушириш учун бир қатор лойиҳалар амалиётга айлантирилляпти.

Хўш, нима эвазига бу қадар катта силжига эришилган?

Тумандаги 44 та маҳалла фуқаролар йиғинларида амалдаги йилнинг ўтган даврида “Сайхунобод тажрибаси” бўйича ҳар бир маҳаллада 10 тадан микролояига ташкил қилиниб, бунга 29 миллиард сўм сарфланган. Шу ҳисобдан 1130 иш ўрни яратилган. Йил якунигача яна ҳар маҳаллада 30 тадан микролояига амалиётга айлантирилиши учун ишлар кетаяпти. Шу ҳисобдан тағин 2431 ишчи ўрни яратилиши керак. Бунинг учун жами 98 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзланган.

Ёки “Уйчи тажрибаси” бўйича 3750, “Ғиждувон тажрибаси” бўйича 440 та иш ўрни яратилган. Сўнгги тажриба доирасида 4 та маҳалладаги 60 та саноат биноси яқка тадбиркорлик қилувчилар ихтиёрига берилган. Шунингдек, “Зарбдор тажрибаси” бўйича 8 та “драйвер” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бунга салкам 155 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Умуман айтганда, йилнинг ўтган даврида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, “Бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” ҳамда “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари бўйича 2199 субъектга 71 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кре-

дит ажратилиб, шу ҳисобдан салкам уч минг кишининг бандлигини таъминлашга эришилган. Йил охиригача айти шу дастур доирасида яна 1600 та ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган.

Йилнинг ўтган даврида тумандаги мўкин ишга эга бўлмаган 24 минг нафар фуқарони доимий ёки мавсумий ишларда бандлигини таъминлашга эътибор қаратилиб, ҳозиргача уларнинг 17 минг нафардан кўпроғи бандлиги таъминланган.

Юқорида рақамларни қаторлаштириб ташладик. Рақамлар ортида эса ҳаёт ҳақиқати ётибди. Масалан, туманда йилнинг шу давригача 3 триллион 307 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган. Бу ҳар жон бошига 16 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини билдиради. Куз фасли энди бошлангани, асосий ҳосил даладардан энди йиғиштириб олинаётганини эсласак, йил якунида бу кўрсаткич икки ҳиссага ошади. Президентимиз мазкур йиғилишда аҳолига бўлиб берилган ерлар бўйича 16 та туманда 2-3 мартадан ҳосил олиш эвазига камбағаллик икки ҳисса қисқарганини эслатар экан, Хонқа туманини ҳам санаб ўтди.

Шу ўринда хонқаликлар азалдан деҳқончилик бўйича воҳада энг тажрибали эканлиги, бир мавсумда бир даладан уч марта ҳосил кўтариш амалиёти шу ерда яратилганини ёки эл кишилари қадимдан халқ хунармандчилиги бўйича донг таратишгани, бугун воҳада тайёрланаётган турли мебель маҳсулотларининг деярли ярми хонқаликлар томонидан ишлаб чиқарилаётганини эслатиб кетиш жоиз. Бу жараёнда давлат моддий томондан қўллаб-қувватловчи бўлиб имтиёзли кредит ажратаётгани аҳолининг камбағал қатлами вакилларига катта имкон ва шароит яратмоқдаки, куни кеча маҳалла идоралари эшигига моддий ёрдам сўраб юрган айрим эҳтиёжманд оилалар бугун ўз бизнеси, ўз даромад манбаига эга бўлиб, эндиликда собиқ сафдошларига ҳомийлик қилишяпти.

Тўғри, бу каби лойиҳалар барча туманларда бор. Давлат бу борада адолатли

сиёсат олиб бормоқда. Аммо, нега айрим туманларда лойиҳалар самара бермаяпти, деган савол туғилади. Буни масъуллар қандайдигига боғлаш ҳақида тўғри келаявермайди ва “Қарс икки кўлдан” деган отасўзимиз шу ўринда майдонга чиқади.

Тупроққалъа вилоятда энг кенжа, аммо ер майдони бўйича олдинги ўриндаги туман ҳисобланади. Туманда вилоят саноат маҳсулотининг аксар қисми ишлаб чиқарилиши сабаби “Дамас” енгил автомобиллари ишлаб чиқарилган корхона шу ҳудуд-далиги билан изоҳланади. Аммо, салкам 60 минг аҳолиси бўлган туманда нега камбағалликни қисқартириш бўйича ишлар кўнгилдагидек эмас.

Тўғри, туман ер майдонининг катта қисми экин экишга яроқсиз – қумлик ва сувсиз бўз ерлардан иборат. Аммо вилоятда асосан кўй боқиладиган ҳудуд ҳам шу. Қумли яйловларда чўпонлар йилнинг тўққиз ойида кўй боқишади. Чўпонларнинг кўпчилиги воҳанинг бошқа туманларидан келади. Хўш, шу жойнинг туб аҳолиси нима билан шуғулланади?

Гап шунда! Президентимиз таъкидлаганларидек “Камбағалликни фақат пул тарқатиш билан ҳал қилиб бўлмайди!”

Пул тарқатиш аксар ҳолларда боқимандалик кайфиятини келтириб чиқаради. Гувоҳ бўламизки, кўпгина сайёр қабулларда “кунда-шунда” бир қатлам алпақачон шаклланиб улгурган. Иш тақлиф қилишса бўйни ёр бермайдиган бу одамлар ўзлари ҳам ҳаракат қилишлари кераклигини тамомла нуттанганлар. Энг ёмон томони, “Қўлда берганга қўш тўймак” маталини билмаганлар моддий ёрдам олишга мазахўрак бўлиб қолишлари, бу бошқа оилаларни ҳам шу йўлни танлашга одатлантириши мумкинлигида.

Касалманд ёки оиласида ногиронлиги бўлган шахслар қарови билан бандлиги сабаб ишлаш олмайдиган фуқароларни тушуниш мумкин, лекин соғлиги жойида, қўлида хунари борларнинг боқимандалик балосига ружу қўйишганини ҳазм қилиб бўлмайди.

...Ён қўшимиз – олтимиш яшар инсон

биринчи гуруҳ ногирони, доимо қаровга муҳтож. “Темир дафтар”да турадиган бу оила аъзолари давлатнинг қўлига қараб ўтиришгани йўқ. Аёли томорқаси ва қўшимча боғчасидан яхши ҳосил кўтаради. Эркак қўли бажарадиган ишлар учун одам ёллайди. Яна ҳар икки йилда бир бош хўкизни бозорга чиқаради. Катта қизи мактабни тугатиши билан туман марказидаги ошхонага кунбай ишлади – ҳар куни оиласига пул келтирди. Кичик қизи рўзгору дала ишларда онасининг ўнг қўли.

Ўтган йили оила тўнғич қизини қўшни қишлоққа турмушга узатди. Элга ош берди. Кунда ёки кунаро ўша қизи кўчамиздан шошиб ўтади. “Йўл бўлсин”, деб сўрасам “Отамнинг ҳолидан хабар оламан, яна онам сабзини ўтоқ қилишга кўмаклаш дегандилар, шунга келаяман”, дейди у йўл-йўлкай саломлашаётди. Йигирма икки яшар бу қиз ўзи тушган хонадонда ҳам, ота уйда ҳам шу тахлит тиним билмайди. Бу ёқда эмизикли боласи парваришига ҳам вақт топади.

Гап тарқатдики, ўша қиз онасига “Маҳалла раисига айтинг, “Темир дафтар”дан чиқарсинлар, югуриб-елиб рўзгоримизни оёққа кўйдик. Биздан ҳам муҳтож оилалар бор-ку!” дебди.

Мана орият! Мана ғурур! Мана одамийлик!

...Қамина қишлоқ жойлардаги аҳвол – камбағалликдан ўз кучи, ўз салоҳияти билан чиққан, ўртаҳол оилалар қаторига қўшилганлар ҳақида бир неча мисол келтирялман, холос.

Президентимиз йиғилишда камбағал оилаларнинг 83 фоизига каттагина томорқа борлигини эслатди.

Томорқа – қони фойда. Томорқа – оила газаси. Қачонки ундан унум билан фойдалана олинсагина. Ахир, афсуслар бўлсин, “давлат ёрдам бераяпти”, деб томорқасига қарамайдиганлар ҳам бор...

“Эҳтиёжманд одамларга балиқ эмас, қармоқ бериш керак”, деган тамойил ислохотларнинг сўнгги босқичида амалиётга айлантирилди. Бу айнан боқимандалик кайфиятига берилган кишиларнинг ўзлари ҳам ҳаракат қилишлари кераклигига ундовчи шior эди.

Уша “қармоқ” ҳақиқий, иштиёқманд “овчи” – фуқаро қўлига тушгандагина самара беради. Акс ҳолда “қармоқни сотиб”, бир кунлик маишатига ишлаб ишлатиб юборадиганлар пайдо бўлаверади.

Юртбошимиз ҳозирда камбағалликни қисқартириш бўйича кейинги йиллар учун жуда катта “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётгани, унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида янгича ёндашувлар белгилаб берилиши, бундан буён камбағалликни қисқартириш умумийлиги ҳаракатга айланишини айтди. Бунинг учун мутасаддиларга ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, улардаги “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқиш топширилди.

...Юқоридаги мулоҳазаларим ўзим гувоҳ бўлган муқаддам камбағал тоифасида рўйхатга олинган “оилалар портрет”лари. Улар алпақачон бу “портрет” жилдидан ташқарига чиқишганки, бу бошқаларга ўрناк бўлмоғи керак!

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйумаси аъзоси

АДАБИЙ ДЎСТЛИК - АДАБИЙ ДЎСТЛИК

Мамлакатлараро иқтисодий-ижтимоий алоқалар бугун ҳар вақтдагидан кўра долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, дунё ахли ҳамма замонларда бир-бири билан ўзаро кўпқиррали муомала-муносабатларини ўрнатиб келади. Европа зиёлилари, хусусан, Германияликлар билан бизнинг мамлакат ахли ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона мулоқотлар бугун янги босқичга кўтарилмоқда. Расмий таширлар доирасида кўпбал иштиқболли лойиҳаларга старт берилётгани мамлакатлараро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётди.

Аслида барча инсоний муносабатлар бадий адабиёт воситасида ўзаро чамбарчас боғланади. Агар ҳамкорлар илм ахли бўлса, уларнинг илмий объектлари – адабий манбалар ва даврлар, адабий давралар ва сиймолар, илмий-адабий китоблар ва талқинлари бир-бири учун мулоқот мавзуси бўлади.

Шахсан менинг олмониялик ҳамфиқр, ҳамкорим Гумбольд университети профессори, яқинда чин дунёга рихлат этган Зигрид Клайнмихел хоним билан дастлабки суҳбатларимиз айнан ҳар иккимизни қизиқтирган ўзбек адабиёти хусусида бўлган эди.

Худди кечагидек эсимда, Берлиндаги Гумбольд университетига илмий

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ
ОЛМОНИЯДАГИ ТАРФИБОТЧИСИ

сафарга борганимда профессор Ингебор Балдауф мени Зигрид хоним билан таништирган эди. Зигрид опа билан кутубхоналарга бордик. Германевтикага, методологияга доир назарий адабиётлар юзасидан маслаҳатлар сўрадим. Бир неча соатлаб биргаликда китоб жавонларини ора-лаб юрдик. Гапимиз гапимизга уланди. Ора-орада Зигрид хонимни қизиқтирган Алишер Навоий ёки Абдулла Қодирий ижодига тегишли саволларига имкон борича жавоб бердим. Олима ўшанда ёш боладек қувонгани ҳамон ёдимда. Бу самимий ва очикқўнгил олима илм-маърифатга ошно, кенг миқёсдаги билим соҳибаси эди.

Зигрид хонимнинг ўзбек тилида олиб борган машғулотида қатнашдим. Дарс жараёнида опа ўзбекча ўрганаётган талабаларга Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясини ҳижжалаб ўқитиб, немис тилига таржима қилдирди. Ҳикоядаги ҳар бир жумлани сўзма-сўз изоҳлаб берди.

Тўғриси, немис тилини билладиган филолог олимлар, ўзбек адабиёти-

нинг Германияда тарғиботи тадқиқи билан шуғулланган мутахассислар Зигрид Клайнмихел номига кўп бора дуч келишади. Хўш, биз Зигрид Клайнмихел ижодий шахсиятини қай даражада биламиз? Бу олимнинг адабий-илмий хизматлари нималардан иборат?

Балки бу каби саволларнинг мукамал жавоби учун катта бир илмий тадқиқот керақдир. 1938 йил Германияда туғилган олима аввал Гумбольд университетида усмонли турк тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таълим олади. Шу университетда “Марзубаннома”даги фонологик, морфологик ва морфологик муаммоларни ўрганиш” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Ҳам у илмий-ижодий фаолияти давомида туркий халқлар адабиёти, халқ озаки ижоди, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, жадид адиблари ижоди билан шуғулланади.

Зигрид Клайнмихелнинг адабиёт билан боғлиқ улкан хизматлари бор. Олима ўзбек адабиётининг дўсти эди. Ўзбек тилида бемалол мулоқот қилар,

ўзбек тилида ёзилган илмий, бадий асарларни ҳеч қийналмай ўқиб тушулар эди. Ўзбек тили ва адабиётининг олмон талабаларига сабоқ берган олиманинг ўзи ҳам қатор ижодий асарлар ёзиб қолдиришга муваффақ бўлди.

Зигрид Клайнмихелнинг “Хоразмда – халпа, Фарғонада – отиной”, “Шарқона ёзиш аънасининг ривожланиши. 1910–1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрий асарлар тадқиқи”, “Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни”, “Чўлпон ижодида тутқин аёллар ва Клеопатра” каби жиддий китоблари, илмий мақолалари шулар жумласидан.

Чўлпон хусусидаги мақоласида қўйилган мавзунинг шоирнинг шеърли мажмуалари, “Ёрқиной” пьесаси, Клеопатра ҳақидаги шеърлари ҳамда сочма-мансураси мисолида атрофича тадқиқ этади. Чўлпоннинг ижодидаги Клеопатра образини рус символист шоирлари Александр Блок ва Валерий Брюсов асарларига қиёслади.



Олима жадид шоирининг эстетик идеалини жуда яхши тушуниб: “Чўлпоннинг поэтик таъбири билан айтадиган бўлсак, Клеопатра Амударё бўйида “ердаги юлдуз”, яъни асира аёл, Нил бўйида эса “осмондаги юлдуз” бўлиши мумкин”, деб ёзган эди. Умуман, олиманинг бу фикрлари Чўлпон ижодининг ҳам умумконцепциясига мувофиқдир.

Зигрид Клайнмихел хоним ўзбек мумтоз адабиёти билан фаол шуғулланди. Алишер Навоийнинг “Наводир ун ниҳоя” девони юзасидан тадқиқот олиб борди. “Навоий ва Аҳмад Пошо” мақоласида турк шоири Аҳмад Пошо Алишер Навоийнинг 17 та газалига назира боғлаганини аниқлаб, илмий жамоатчиликка маълум қилган эди.

Зигрид Клайнмихел немис тилида чиққан адабий луғатларга туркий

халқлар адабиёти номояндалари, хусусан, ўзбек адабиётининг Машраб, Тоғай Мурод, Ҳалима Худойбердиеваларнинг ижоди юзасидан мақолалар ёзган эди.

Булар олима ижодининг бир қирраси, албатта. Аммо ана шу маълумотларнинг ўзиёқ Зигрид Клайнмихелнинг катта адабий-илмий хизматларини тасаввур қилиш учун кифоя, деб ўйлайман. Бу маълумотлар, манбалар, мақолалар, китоблар олима умрининг кўрқи. Шу кунларда чин дунёга сафар этган Зигрид Клайнмихел хонимни энди адабиётшунослик илмида қилган хизматлари билан ёдга оламиз. Зеро олима умрини ундан қолган адабий-илмий мерос – китоблари узайтиражақ...

Баҳодир КАРИМ,
профессор



МОЗИЙ САДОСИ

Марказий Осиё минтақаси, қадим Турон ўлкаси дунё аҳлини, хусусан, тарихчи олим ва сайёҳларни азалдан ўзига мафтун этиб келади.

Юртимиз ҳақида Шарқ Фарб олимлари, шоир адиблари томонидан кўплаб асарлар битилган. Бироқ улар орасида венгриялик машҳур шарқшунос олим, тилшунос, сайёҳ ва ёзувчи Арминий Вамберининг минтақамизга қилган сафарига оид хотиралари (“Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат”, “Ўрта Осиё очерклари”, “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китоблари) алоҳида ажралиб туради.

Арминий Вамбери (1832–1913) болалигиданоқ яҳудий, венгер, немис ва словак тилларини яхши билган, кейинчалик лотин, юнон, француз, инглиз, итальян, рус, швед, испан, ўзбек, турк, араб ва форс тилларини ҳам ўрганган.

Шарқ тилларида бўлган қизиқиши Вамберида узоқ юртларга сафар қилиш орзусини уйғотади. Шу боис у 1857 йили Истанбулга келиб, маҳаллий турк зодагонлари ҳамда европалик дипломатлар ўртасида муаллим ва олим сифатида ном чиқарган.

Шу даврда унда Ўрта Осиёга сафар қилиш истаги пайдо бўлади. Вамбери мусулмонча исм – ҳожи Рашид афанди номи билан 1863-64 йилларда минтақамизда бўлиб, саёҳат таассуротлари асосида “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобини ёзади.

Мазкур асарида муаллиф сафари давомида ўзига ҳамроҳлик қилган Хоразм фарзанди – кўнғиротлик мулла Исҳоқ Иброҳим номини бир неча марта тилга олган. “Мулла Исҳоқ менинг саргузаштларимда муҳим ўрин тутади ва у ҳозир Пештда яшамоқда”, деб ёзади у. Маълумотларга кўра, 1836 йили Кўнғиротда туғилган мулла Исҳоқ таниқли уламо бўлиб, Қуръони Каримни, диний ва дунёвий билимларни чуқур билган.

Ушбу ватандошимиз Вамберининг саёҳати давомида унинг яқин дўсти ва ёрдамчисига айланган. Сафар нихоясида у билан бирга Венгрияга кетиб, шу юртда муқим яшаб қолади. Венгер тилини ўрганиб, Фанлар академиясининг шарқ кўлёмалари бўлимига ишга кирилади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини венгер тилига таржима қилиб, уларнинг тарғиботи билан шуғулланади. Айни вақтда машҳур венгер адиби Янош Ароннинг “Ажойиб суйғуннинг ҳикояти” асарини эски ўзбек тилига ўгиради.

Мулла Исҳоқ 1892 йили Венгриянинг Веленже шаҳрида вафот этган ва шу шаҳар қабристонига мусулмончилик қоидаларига биноан ҳурмат-эҳтиром билан дафн этилган.

Арминий Вамбери хотираларида муаллифининг ўзбек диёри ва халқимизга, буюк аجدодларимизга бўлган алоҳида ҳурмати ва эҳтироми сезилиб туради.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган қайдларни ўқиб, бунга сиз ҳам амин бўлишингиз мумкин.

ТАХРИРИЯТ

АРМИНИЙ ВАМБЕРИ

ЎЗБЕК ДИЁРИ ВА АЛЛОМАЛАРИ ҲАҚИДА



Самарқанду Бухоро таърифида

Ислом оламида ягона тоза булоқ каби сақланиб келаётган Ўрта Осиёни, Хива, Бухоро ва Самарқанднинг табаррук зиёратгоҳларини кўриш азалий орзуим эди.

Самарқанд Темурнинг пойтахти, ўзининг кенглиги, аҳамияти ва гўзаллиги билан улуғ шаҳарлар даражасига кўтарилди.

Шаҳарнинг кунчиқар томонида “Дилкушо” саройи бор, шаҳарга қараган эшигига “Дарвозаи фируза” деб зарҳал ҳарфлар билан жуда чиройли қилиб ёзилган. Бу саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузли қошинлар билан безатилган пештоқи узоқдан ялтираб турар эди.

Боғлар ва ҳайдаладиган ерларга бой худуд бўйлаб ярим соат юрган, кўз олдимизда тепасида лайлак уялари бўлган минораларга бой Бухорои шариф намоян бўлди.

Бухорони зиёрат қилган кишилар шаҳардаги осори атиқаларни кўриб ҳайратга тушадилар.

Бухоро китоб бозорига ва китобфурушларнинг уйларида қимматли илм хазинаси мавжудки, бу Шарқни ўрганувчи европалик тарихчи, тилшунос ва бошқа олимлар учун ўта фойдали манба бўлиши мумкин.

Бухоро бугдойи энг сифатли саналади, у узун ва ингичка қизил рангли дон беради. Бу бугдой ундан Бухоро шаҳрида шуҳрат қозонган нон ёпишади. Бу бугдой ҳамма ерда ширмой номи билан шуҳрат қозонган.

Хива таърифида

Мен аввал Хиванинг шунчалик чиройлигини фақат қиёсдан бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, йўқ! Хива атрофидаги баланд миноралар, соя ташлаб турган кичик ҳовлилар, кўм-кўк яйловлар ва тўкин-сочин бозорлар ҳозир ҳам, Европанинг гоят гўзал шаҳарларини кўрганимдан сўнг ҳам мен учун чиройли бўлиб туюляпти...

Мевалари Эрон ва Туркиядагина эмас, бутун Европадагилардан тотли. Тенги йўқ, ажабтовур қовунлари Пекингача маълум. Айтишларича, Усмон салтанатининг султони вақти-вақти билан Урганч қовунларини хушлаб қолар экан. Бу қовунлар Россияда ҳам юқори баҳоланади. Уларнинг ширинлиги тўғрисида европаликлар ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Улар шу даражада ширин ва хушбўйки, оғизда эрийди. Агар улар нон билан тановул қилинса, бизга инъом этилган энг яхши таом шу бўлади.

Амударё ҳақида

Дунёда Амударёга ўхшаши йўқ. Ҳатто машҳур Нил дарёси ҳам бундай эмас. Аминманки, мен билган дарёлар орасида суви энг ширини Амударёдир.

Чигатой эмас, туркий тил! Ёхуд бир “ғалати машҳур” хусусида

Кўпгина Европа олимларининг (уларга “Чигатой тилидан кўлланим” асаримда мен ҳам қўшилган эдим) фикрлари икки қарра хатодир.

Биринчидан, Ўрта Осиё аҳолиси ҳеч вақт ўз юртини ҳам, ўз тилини ҳам чигатой деб атамаган. Бу ном Амударёнинг у томони – Эронда форслар томонидан қўлланилган. Бу ўлканинг аҳолиси ўз юртини Туркистон, ўз тилини туркий тил, деб атаб келган.

Иккинчидан, Чигатой мусулмонлар томонидан нимага эришган бўлса эришган, лекин муҳаббатга, ҳурматга эришмаган.

Амир Темур ҳақида

Ҳирот ва Ҳалаб олимлари билан баҳсга киришиб, ўзига ўхшаб фикрламаган кишиларни мукофотлаган одамни қаҳри қаттиқ ва ёввойи дейиш мумкинми?! Бурсадан Самарқандга юк ҳайвонларига бутун бошли бир кутубхонани ортиб, кўчириб келтирган кишини қаҳри қаттиқ ва ёввойи дейиш мумкинми?!

Шунинг учун ҳам Темурни Чингиз билан тенг қўювчилар икки қарра хато қилдилар.

Мирзо Улуғбек феномени

Улуғбек Фарб дунёсида бир неча аср кейин ҳам номи ҳурмат билан тилга олинган темурийлар сулоласидан эди. У ҳукм сурган давр темурийларнинг олтин даври саналади.

Алишер Навоий дахосига эҳтиром

Навоий ноёб поэтик даҳо намунасидир. У ўздан шеърият, тарих, ахлоқ ва мантиққа оид кўплаб шоҳ асарларни мерос қилиб қолдирди.

Бу зот гўзал бир сиёсатдон ҳам эди. У моҳир кўмондон, ўткир қалам соҳиби сифатида шуҳрат қозонди. Ҳар кимга ёрдам кўрсатгани каби, кейинчалик ўзининг турк тилидаги битмас-туганмас асарлари билан ҳаёт чоғида ҳам, вафотидан сўнг ҳам буюк ҳурматга сазовор бўлди.


Оламдан ўтганига уч ярим аср бўлса-да, унинг асарлари озми-кўпми адабиётдан хабардор ҳар бир ўзбекнинг хонадонига энг улуғ ўринда туради.

Назири йўқ асар

Бобур Мирзо ўз асари орқали (“Бобурнома” назарда тутилмоқда – тахририят) бизнинг кўз ўнгимизда ҳам шоир, ҳам сиёсатдон, ҳам файласуф сиймосида гавдаланади.

Туркий ва форсий халқларнинг адабиётида ўзида шунчалик теран ва манфатли фикрларни оддий, раvon тилда баён этган бунга ўхшаш бошқа биронта китоб йўқ.

Хивалик мулла Исҳоқ тўғрисида



Вамбери (ўнгда) Мулла Исҳоқ билан.

Мулла Исҳоқ ҳалол, очиққўнғил инсон эди. Унинг ғараздан йироқ, соф муносабати хавф-хатарга тўла йўлимда менга ёлғиз далда ва суянчиқ бўлди. Билимга интилиши ва менга яқинлиги ёш муллага эътиборимни оширди. Бу навқирон йигитдан етук бир киши чиқишини ҳис этганим заҳоти мен уни Хоразмда ташлаб кетмасликка, иложи бўлса, ўзим билан Европага олиб кетишга қарор қилдим. Биринчи танишганимдаёқ унинг қалби софлигини сезган эдим, бу масалада мен ҳеч қачон адашмаганман.

Мулла Исҳоқ Венгрияда

Бир йилдан сўнг Англиядан қайтиб келсам, не кўз билан кўрайки, мулла Венгер либосида, салланнинг ўрнида – сўнги модадаги причёска. Венгер тилини тез ўрганиб олган. Менинг мулламни ҳамма ёқтириб қолган. Икки йил аввалги Хива мадрасаси мулласининг башанг кўринишини қаранг.

У бизнинг Фарб маданиятимизни қуйидаги сабабларга кўра севади: биринчи ўринда у жамиятнинг яқка шахсларга кўрсатадиган зулмнинг йўқлигидан хурсанд. Ўрта Осиёда инсон ҳаёти йўлларда қароқчилардан, шаҳарларда ҳукмдорларнинг доимий норасо фармонларидан муҳофаза этилмаган. Иккинчидан, европаликлар баҳраманд бўлаётган қулайликлар уни ўзига ром этади. Учунчидан, Европада дин ва миллатнинг ҳар хиллиги сезилмас даражададир.

Мулла Исҳоқ ҳозир Европа академияси кутубхонасида катта кўлёмалар саҳифаларини ўқияпти, юнон ва лотин адабиётларидан ташқари яна фалсафа, дунё ва дин тарихига оид китоблар билан танишяпти. Илгари “Европа” сўзини эшитгани гумон бўлган бу инсон ҳозир Европанинг энг етакчи газеталаридаги мақолаларни мутолаа қилмоқда. Фарб мамлакатларидаги турли сиёсатларни муҳокама этипти ва шарқий яримшар билан ғарбий яримшарни иккиланмасдан бир-бирига қиёслаяпти.

Хон билан суҳбат

Тарихчи Умид Бекмуҳаммаднинг “Венгрияда яшаган хоразмлик олим” илмий-оммабоп рисоласида ёзилишича, бир афгон йигит Хива хони Саид Муҳаммадхон саройи амалдорларидан бирига Вамберининг жосус экани ҳақида маълумот беради. Хоннинг айғоқчилари ҳам хорижлик ҳожининг (Вамбери Хивага турк мусулмон – ҳожи Рашид афанди қиёфасида келган – тахририят) фақат зиёратгоҳларни эмас, балки ҳамма нарсани кузатаётгани тўғрисида хабар беришади. Шу боис хон Вамберини синаб кўришга аҳд қилади. У барча аъёнлари олдида:


– Эшитдимки, сиз дунёвий илмлар билан ҳам шуғулланар, муболага услубида мактублар ҳам битар эмишсиз. Қани, бизга намуна тарзида истанбулча бир неча сатр хат битиб беринг-чи, – дейди.

Вамбери эса кўрпачага ўтирган ҳолда қуйидаги сатрларни ёзади:

“Эй, куч-қудратда беназир подшоҳ! Сенинг хонлик марҳаматингга сазовор бўлмиш камина қуллинг, “Жамики хатотлар нодон бўладир” деган араб мақолига риоя этиб, хатотлик ила кам машғул бўлгонман ва мана энди “Шоҳлар кўнглига ёққан нуқсон фазилат саналур” деган форс мақолига биноан сенга атаб шу сатрларни битишга жазм этдим”.

Саид Муҳаммадхонга бу таърифлар маъқул келиб, Вамберини дастурхонга чорлаб суҳбат қуради. Шу тарихи Вамбери жазодан омон қолиб, ҳатто Хива хонининг эҳтиромига сазовор бўлади.

Элмурод НИШОНОВ нашрга тайёрлади.





ВАТАН КҮНГИЛДАДИР, КҮНГИЛ ВАТАНДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Турли лойиҳалар орқали ватандошларимизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани – Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустақамлашда муносиб ва сезиларли ҳиссасини кўшишига эришилди.

АҚШни мигрантлар юрти деб аташади. Бугунги кунда АҚШда 300 дан ортиқ турли миллат ва элатлар истиқомат қилиб келади. Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2023 йил статистика маълумотларига кўра АҚШда 43,7 млн. немис миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилса, 37,2 млн. мексикалик, 32,9 млн. ирландиялик, 26,2 млн. инглиз, 16,9 млн. италян, 9,9 млн. поляк, 9,5 млн. француз, 7,2 млн. яҳудий, 5,1 млн. хитойлик ва бошқа миллат вакиллари яшади. Бугунги кунда АҚШнинг турли штатларида 300 мингдан ортиқ юртдошларимиз истиқомат қилиб келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, турли давлатлар хоризда яшаётган ватандошлари билан доимий алоқаларни ўрнатган ва уларнинг таърибига ва кўникмаларидан давлат манфаатлари йўлида кенг фойдаланиб келади.

Хурматли Юртбошимизнинг сиёсий иродалари ва ташаббуси сабаб хориздаги ватандошлар билан ишлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги таҳрирда қабул қилинган қонуннинг 23-моддасидаги "...Давлат хоризда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ гамхўрлик қилади", дея белгилаб қўйилган тартиб юқоридаги фикрларимизнинг амалдаги тасдиғидир. Шу ўринда, чет элдаги ватандошларимиз давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлардан хабардор ва мамнун эканлигини таъкидлаш лозим.

Хабарингиз бор, 2021 йил 11 август куни "Ватандошлар" жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги қарор имзоланди. Бу ҳужжат билан соҳада янги уфқлар кўринди. Гоя ва ташаббуслардан амалий ишларга ўтилади.

Жумладан, 25 августдан 8 сентябрга қадар белгиланган дастур асосида "Ватандошлар" жамоат фонди томонидан АҚШда истиқомат қилаётган юртдошларимиз иштирокида ўндан ошмиқ турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган ушбу байрам тадбирлари АҚШнинг 8 та штатидаги 10 та шаҳарда кенг миқёсда ўтказилди.

Дастлаб, 25 августа Нью-Жерси штатининг Рандольф шаҳрида "Uzbek society of America" жамоат бирлашмасида байрам тадбирлари бошланган бўлса, дастур 8 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида "Mahalla USA" жамоат бирлашмасининг тадбирлари билан якунланди.



Барча тадбирлардан кўзланган асосий мақсад – ватандошларни она Ватанимиз атрофида бирлаштириш. "Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – ватанмиз!" бош ғояси асосида ўтказилган тадбирларда АҚШнинг турли штатларида истиқомат қилиб келаётган 6 мингдан ортиқ юртдошларимиз жам бўлишди.

Истиқлол байрами БМТ биносиде катта тантана билан нишонланди. Тадбирда турли давлатларнинг дипломатик корпус ва АҚШ сиёсий доира вакиллари, сенатор ва конгрессменлар иштирок этишди. Сўзга чиққан нотиклар Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар юзасидан тўпланганларга атрофлича маълумот берди. Тадбир давомида турли видеороликлар намойиш этилди.

Шунингдек, дастур доирасида Нью-Жерси штатининг Рандольф шаҳрида ватандошларимиздан иборат жамоалар зуртасида миллий палов тайёрлаш танлови ўтказилди. Мазкур танловда Ўзбекистоннинг турли вилоятларининг палов тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Ёш ватандошлар ўртасида "Ўзбекистон – она Ватан" мавзусида расмлар танлови ва викториналар ҳам жуда қизгин руҳда ўтди. Бу тадбир ёш авлод ўртасида

миллийлигимиз, ўзлигимизни асраш ва кейинги авлодларга етказиш каби эзгу ғояларни ўзида муҳим этгани билан аҳамиятлidir.

Байрам муносабати билан Иллинойс штатининг Чикаго шаҳрида илк бор адабий-бадий кеча ўтказилди. Ўзбекистон халқ шоири, филология фанлари доктори Иқбол Мирзо кеча меҳмони бўлди. Тадбир давомида байрам табриги билан бирга, шоир қаламига мансуб шеърлар ўқилди. Шунингдек, тадбир давомида "Jadid" газетаси тақдироти ўтказилиб, йиғилган ватандошларга газетанинг янги чиққан сонлари улашилди.

АҚШда биринчи бор Нью-Жерсининг Довер шаҳрида "Ватандошлар" жамоат фонди, "Туркстон-Америка ассоциацияси" билан ҳамкорликда "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди. Интеллектуал баҳсларни клуб президенти Абдурасул Абдуллаев бошқариб борди. Етти штатдан келган жамоалар куч сынашган ўйинда Ўзбекистон тарихи, маданияти, қадриятлари билан боғлиқ саволлар ҳам берилди. Ғолибликни кўлга киритган Филаделфиянинг "Юртдош" жамоаси Фонд томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган "Мустақиллик кубоғи" футбол турнири ҳам қизиқарли лаҳзаларга бой бўлди. Унда 10 та штатдан келган 15 та жамоа 3 та гуруҳларга бўлинган ҳолда тўп суришди. Натижага кўра Охайо штати Цинциннати шаҳридаги "Hamkor Uz" жамоаси биринчилиқни эгаллади.

Шунингдек, байрам тадбирлари Пенсильвания штатининг Филаделфия ва Питтсбург шаҳарларида, Виржиния штатининг Виенна шаҳрида, Массачусетс штатининг Бостон шаҳрида, Иллинойс штатининг Чикаго шаҳарларида ҳам кенг нишонланди. Барча тадбирларда ватандошларимиз фаол иштирок этди. Тадбирларда миллий таомлар тайёрланди. Хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ҳамда миллий ўйинлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда юртимизда кўзга кўринган санъаткорларнинг чиқишлари ватандошлар томонидан олинди.

Ушбу тадбирларнинг барчасида юртдошларимиз она ватанимиз – Ўзбекистоннинг ҳар бир инсонга бўлган ҳеқисиз меҳру эътиборини дилдан ҳис қилиб турди. Бундан ватандошларимиз жуда мамнун. Сабаби, илгари бу каби тадбирлар уюшқоқлик билан, бирлашиб амалга оширилмагани, тадбирлар бунчалик даражада ташкил этилмаганини таъкидлашди. Бу эътибор ташаббускори хурматли давлатимиз раҳбари эканлигини улар дилдан ҳис этишди. Келгусида ҳам янги лойиҳалар асосида ушбу эзгу аънанани давом эттиришга келишилди.

Фонд мутасаддиларининг АҚШга ташрифи давомида тўртта жамоат бирлашмаси билан ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мингдан ортиқ бадий адабиётлар, икки юзга яқин диний адабиётлар ўқувчилар кўлига етиб борди. Бундан ташқари, Виенна шаҳрида ўзбек рақс тўғраги ҳамда дутор-

чи қизлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Нью-Йорк шаҳрида ўзбек тилини ўргатишга ихтисослашган "Зиё-арт" ўқув маркази ўз фаолиятини янги бинода бошлади. Марказда одобнома ва тарбия, ўзбек урф-одатлари, бой қадриятларимиз бўйича дарслар ўтилади. "Ватандошлар" жамоат фонди ўқув марказига зарур адабиёт ва анжомлар тақдим этди. Умуман олганда, бу йилги ўтказилган байрам тадбирлари ватандошларимиз кўнглидан чуқур жой олди ва бир умрга уларнинг хотирасида муҳрланиб қолди, десак муболага бўлмайди.

Аслида ҳар бир инсон дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, режа-мақсадларини тўғилиб ўсган жойи билан боғлашни истайди. Шу маънода, олдимизда ҳали катта ишлар, кўплаб лойиҳалар турибди. Мақсадимиз давр янгиланишларига ҳамоҳанг бўлган хоризда яшаётган ватандошларимизни юртимиздаги ислохотларга жалб этиш, Ўзбекистон келажакка дахлдорлик туйғусини юксалтириш ва хориздаги барча ўзбекистонликларни она Ватан атрофида бирлаштиришдан иборат.

Одилжон САТТАРОВ,
"Ватандошлар" жамоат фонди бошқарув раиси, иқтисодиёт фанлари доктори

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

НАФС, ЖИСМ



ҲАР ОДАМНИНГ ЭНГ ЁВУЗ ДУШМАНИ

Инсон, аслан олганда, жисм ва рўдан ташкил топган. Жисм эса нафсга эга. Нафс ва жисм – ҳайвонларда ҳам бор. Лекин рўх йўқ уларда. Шу жиҳатлари билан инсон, бир тарафдан жонзотларга, иккинчи тарафдан фаришталарга ўхшайди. Чунки фаришталарда мутлақо нафс бўлмайди. Улар фақат Аллоҳ ибодати билан машғул.

Энди саволлар туғилади: "Агар ҳайвонийлик жиҳати ҳисобга олинса, инсон Аллоҳ наздида фаришталардан кейинги ўринда туриши керак эмасми?" "Ахир, унда нега Тангри таоло буйруғи билан фаришталар ҳам Одам Атога сажда қилди?"

Инсоннинг устунлиги шундаки, у ўзида нафс бўла туриб, уни қатъий жиловлаш орқали фаришталик даражасига интилади. Фаришталар эса ҳеч бир машаққатсиз бу мавқега эга бўлган.

Ие, дейишингиз мумкин, нафсини буткул жиловлаб, Аллоҳ таоло тоат-ибодати билан шугулланиш орқали фаришталикка интилиш шунчалар машаққатми?

Машаққат бўлганида ҳам шундай машаққатки...

Батамом Аллоҳ амрида бўлиш ва барча наҳй, яъни ман этилган ишлардан чекиншиш учун инсон ўзидаги нафсини батамом енгиши шарт. Шунинг учун ҳар бир одамнинг ҳақиқий, энг ёвуз душмани ўз ичиде. Бу – унинг нафси.

Нафсини енгган шахс эса фариштадан ҳам юқори мавқега эришади. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло барча фаришталарга Одам Атога таъзим қилишни буюрган.

КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Ислом даврида тасаввуф таълимоти пайдо бўлди. Тасаввуф йўлига кирганлар ўзларини Аллоҳ таоло васлига етар даражада поклашни кўзлаб яшайди. Шунинг учун сўфийлар умрни "нафсга қарши курашдан иборат" деб билади. Чунки шу тарихда комилликка эришилади. Сўфийнинг бош мақсадини нафсга қарши шунчаки кураш эмас, балки қаттиқ уруш олиб бориш ташкил этади. Сўфий рўҳни "инсоннинг буюк неъматиде" деб ҳисоблайди.

Демак, тасаввуф – рўх парваршидан иборат бир умрлик йўл. Рўҳни раванқ топтириш учун эса жисмни енгиш керак. Жисмнинг эҳтиёжи билан рўҳнинг эҳтиёжи – тамоман бир-бирига қарама-қарши. Рўх эҳтиёжини қондириш учун ташланган ҳар бир қадам жисмни енгиш орқали, яъни жисмдан кеча бориш йўли билан амалга ошади. Жисмни енгиш учун эса, аввало, нафсини маъв этиш лозим.

Кўринадики, рухониятга етиш фақат ва фақат риёзат, яъни азоб-укубатларга бардош бериш, нафсониятни йўқотиш орқалигина амалга ошади. Сўфийлар ана шу машаққатни бажону дил қабул қилади. Шунинг "яшашнинг мазмуни" деб билади. Чунки инсон фаолияти – яхшилик ва ёмонликдан, инсон хусусияти фазилат ва иллатдан ва ҳоказо бошдан-охир ана шундай икки ўзаро зид жиҳатлардан иборат. Ёмонликларнинг бари – нафсониятдан. Яхшиликлар манбаси бўлмиш рухониятга етиш нафсониятдан қутулиш воситаси билан кўлга киради.

ЁМОН АХЛОҚНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ШАРАФИ

Шундай қилиб, нафсини енгиши "инсоннинг барча ёмонлик, яъни иллатлардан фориғ бўлиши, фақат ва фақат яхшиликлар қиладиган кишига айлалини" деб тушуниш керак. Чунки тасаввуфни ўзининг мафқураси ҳисобланган буюк Алишер Навоий асарларида бундай тарғиботларга кўп дуч келаемиз.



Масалан, "Лисон ут-тайр"да шундай байтлар борки, улар фикримизни тўла тасдиқлайди:

*Чун риёзат рафъ этиб рухоният,
Салб бўлғач кимсадин нафсоният,
Қолмағай рухониятдин ўзга ҳеч,
Сен тахаллуфдин бу маъни ичра кеч.*

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф,*

*Бўлмаса фиръавнлигини пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти мусавий.*

Бу ерда Фиръавн кофирликнинг, Мусо эса мусулмонликнинг рамзи бўлиб келяпти. Шундан ҳам билса бўладик, сўфийлар, жумладан, унинг Навоий каби тарғиботчилари нафсини "кофирликка олиб борувчи махлук" деб ҳисоблайди ва шунинг учун ҳам улар "чин мусулмонлик нафсини енгиш орқалигина кўлга киради" деб билади. Тасаввуф, кўриниб турганидек, биргина ана шу нафс борасида ҳам исломни олий мақомга кўтариш тарафдори бўлган.

Соддароқ, тушунарлироқ қилиб айтидиган бўлсак, тасаввуфнинг "фақру фано йўли" дейлиши ҳам, фойилликнинг энг улуғ инсоний оруз янглиғ тасвирлини ҳам – шундан.

Фойил бўлиш учун ҳам нафсини енгиш керак. Фақри фахр билиш – сўфийларга пайғамбаримиздан мерос. Тасаввуф, аввало, фарз ва суннатга қатъиян амал қилишдан бошланади.

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР...

Нафсини енгишни яланғоч тарзда, яъни мутлақо еб-ичмаслик, яхши кийинмаслик, таркидунёчилик маъносиде тушунмаслик керак. Сўфий руҳини шу даражада ривожлантириши лозимки, у ҳеч қачон ва ҳеч қандай бойликка, умуман, бу дунёга алоқадор бирор нарсага боғлиқлиги, унинг қўлига айланмасин. Аксинча, нафс унинг қўли бўлсин. Шундай қилмаса, нафс уни енгиб, оёқ-кўлини боғлаб олади. Дунёда нафсининг қўлига айланган қолганлар камми? Эҳ-ҳе... Тўлиб-тошиб ётибди. Халқ билиб айтган: "Нафсим менинг – балодур, ҳар мақомга солдур".

Инсон ҳеч қачон нафсини Шайтон бошқаришига изн бермаслиги зарур.

ЖАННАТ "ҚОНУН"ИНИ БУЗГАНЛАР ЖАЗОСИ

Нафс-ку – инсонга азалдан берилган нарса. Аниқроғи, Аллоҳ бандасини синаш учун унга нафс бериб қўйган. Эсингизда борки, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан айнан ана шу нафсларни енгилмаганликлари учун қувилишди. Чунки улар жаннат "қонун"ини бузди-да.

Лекин бу ерда бошқа нарса ҳам бор. Бу – Шайтон. Шайтон тезгина нафс би-

лан ошна киришиб олади. Нафс билан Шайтон бирикдими, "Худо урди" деяверинг, энди рўх бу иккисини енгиши бағоят мушкул кечади.

АРСЛОНДАН ШАЙТОН, ШАЙТОНДАН НАФС КУЧЛИ

Яна бир қизиқ савол туғилади: "Хўш, Шайтон кучлими ёхуд нафсми?" Сўфийлар ўртасидаги суҳбатларда бу савол бот-бот кўтарилади. Ҳақим Термизий, жумладан, шундай жавоб берадилар бу саволга: "Бир Шайтоннинг бир соат ичиде ҳалок айлаганини юз оч арслон бир сурув кўй ичиде ҳалок айлаб олмас. Нафсининг бир соат ичиде қилган ишини ҳам юз Шайтон қила олмас". Демак, Шайтон юзта оч арслондан ҳам даҳшатли экан. Нафс эса – юзта Шайтондан ҳам хавфлироқ.

Бу гапларнинг маъноси – жуда чуқур, уларнинг маъзини яхшилаб қақиб олиш керак.

Шайх Абу Бакр Абу Варроқ мана бундай ҳикмат айтидилар: "Тўрт душман бордир ва улардан қутулмоқнинг тўрт йўли бордир: Шайтон, нафс, дунё севгиси, халққа аралашмоқ. Шайтон ва нафсга муҳолифат (қаршилиқ) этмоқ керак, дунёдан чекланмоқ, халқдан ҳам қочмоқ керак. Киши бу тўрт ёрдამчи билан қутулгайдир, йўқса ҳалок бўлур".

Бу ерда бир изох бериб ўтиш кераки, халқ, яъни аксарият одамлар ўз нафсларининг қўли бўлганликлари учун ҳам сўфийлар ўзларини халқдан қочиши очиб йўлида девини маъв этади. Бу ердаги "халқдан қочмоқ"ни, аввало, айнан "нафс бандаларидан ироқ юриш" деб тушуниш керак.

ДЕВ – НАФС РАМЗИ

"Фарҳод ва Ширин" – Навоийнинг бошқа достонлари каби, ҳали сирларни ошкор бўлмаб йтган буюқдан-буюқ асар. Достонда Фарҳоднинг Аҳраман девини енгиши воқеаси бор. Баъзилар буни "шунчаки эртақчилик" деб тушуниши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, тасаввуфий адабиётда дев – нафс рамзи. Тасаввуф, яъни комил инсон бўлиш йўлини тутган киши, аввало, ишни нафсини енгишдан бошлаши кераклигини айтдиқ. Фарҳод ҳам – сўфий тимсоли. У Искандар тилсимини очиб йўлида девини маъв этади. Шу ерда бир нозик масала ўртага тушади.

Нафс девини инсон ўз-ўзича енга оладими? Ҳамма гап шундаки, бу – инсоннинг ўз қўлидан келадиган иш эмас. Чунки нафс – жуда-жуда ширин нарса. У жисмининг ичига яхшилаб ўрнашиб олган. Уни ўз баданингиздан қувиб қақариш якка ўзингизнинг қўлингиздан келмайди.

Тасаввуфда пир-муридликнинг қатъий қоидага айлиниб кетгани ҳам – худди шу нафсини енгиш билан бевосита боғлиқ. Масала ойдинлашди: муриднинг нафсини енгиши пирнинг кучи билан бўлади. Бунинг учун мурид нафс тарбияси йўлида тамом инон-ихтиёрини пирга топширади, пир мурид нафсини ботил қилиш дастурини ишлаб қақариб ва унинг изчил ижроси билан узоқ шугулланади. Бунинг талай йўл-йўриқлари, восита-усуллари, замонавий илмий тил билан ифодалганда, метод ва методологияси бўлган.

Ана энди нафсини кўп одамлар тушунгандай "фақат еб-ичиш, ётиб-туриш, дабабаю асъясаларга ўчлик" деб англамаслик учун асос етарли бўлди.

Кибр-ҳаво ҳам – нафс. Уни ҳам енгмаса, инсонни кўп ёмон йўлларга етаклайверади.


Одамни шундан асрасин. Шунча гаплар.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Тошкент амалий фанлар
университети профессори



БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Аслида ўзининг илму амаллари, ватанпарвар ҳамда фидойилиги билан мангуликка кириш, тоабд зиё таратиш ҳаммага ҳам насиб қиладиган улуглик эмас. Аммо туркий халқнинг хусусан, ўзбекларнинг яқин ўтмишига эътибор қиладиган бўлса, ўзининг маърифатпарварлиги, зукколиги ва дунёқарши билан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўша олган зиёлиларимизнинг саногига етиш қийин. Ана шундай улуг сиймолардан бири, жадидларнинг етук намояндаси, самарқандлик Саидаҳмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзийдир.



МАНГУЛИК ШУЪЛАСИ



Саидаҳмад
Сиддиқий-Ажзий

У 1864 йилда Жомбой тумани худудидидаги Ҳалвои қишлоғида яшовчи хунарманд ва бобон оиласида туғилган. Отасидан жуда эрта етим қолиб, тоғасининг қўлида воғла етган. Савод чиқаришида янгасининг хизматлари катта бўлган. Самарқанд ва Бухородаги мадрасаларда таҳсил олиш баробарида араб, форс, рус ва озар тилларини пухта ўрганган. 15-16 ёшидан бошлаб ўзи ҳам анъанавий усулда шеърлар ёза бошлаган.

Сиддиқий-Ажзийнинг маърифатпарвар инсон сифатида қилган энг қimmatли ишларидан бири отасидан қолган катта боғни сотиб, турли миллат болалари ва катталар учун алоҳида-алоҳида замонавий мактаблар қуриши билан боғлиқдир. Шунингдек, у мактаблардаги шарт-шароитни, ўқитиш усулларини ҳам замонавийлаштириш тарафдори бўлган.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсининг Самарқанд вилояти бўлими ҳамда Жомбой тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ушбу аллома таваллудига 160 йил тўлиши муносабати билан "Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий ва унинг адабий мероси" мавзусида катта илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Маъзур таъдир дастлаб Жомбой туманида жойлашган "Абдулазиз ибн Аҳмад – Ҳалвои ота" мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Сунгра барча иштирокчилар Сиддиқий-Ажзий томонидан 1903 йилда қурилган ва айни паллада унинг номи билан аталадиган 19-умумтаълим мактабига ташриф буюришди. Мактаб жамоаси ҳамда фаол ўқувчилар билан учрашди. Мактабда ташкил қилинган музей ва унга қўйилган турли экспонатлар кўпчилида қизиқиш уйғотди.

Илмий-амалий анжуманинг "Барка-

ми, "Миръоти ибрат", "Анжумани арвоҳ" каби достонларини нашр қилдирди. Ажзийнинг амалга оширган ишлари, қолдириб кетган улкан маънавий мероси халқимиз учун битмас-туганмас бойлик саналади.

Маърифатпарвар аллома 1917 йилги мажбурий инқилоб ва чегараларни қўшиб олишдан кейинги вақтларда ҳам миллат ва халқни улуғлаш, зулм ва қабохатга, саводсизликка қарши курашиш фикридан қайтмади. Айниқса, 1918–1921 йилларда Самарқанд вилояти адлия комиссари ўринбосари бўлиб ишлаган пайтларида инсон ҳуқуқлари поймол этилишига жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. У "Илм-фан, тил, давлат ва қонун миллат келажagini белгилайди. Мана шу тўртта нарсага эришмаган миллат ҳалокатга маҳкумдир" деган фикрни доимо илгари суриб яшади. Таълим-тарбия ишларини ривожлантиришни ҳамisha ўзига бош мақсад қилиб қўйди. Маориф соҳасидаги фаоллиги учун 1926 йилда унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони берилган.

Дарҳақиқат, Жомбой туманида маърифатпарвар инсон Саидаҳмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзийнинг 160 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий-амалий анжуман барча қатнашчиларнинг шуурида, ҳеч шубҳасиз, аждоқларимизга нисбатан юксак эҳтиром уйғотди.

Аслида нури келажагимиз, фарзандларимизнинг бахту камоли учун қайғуриб яшаган ҳар бир жадиднинг ҳаёти ва фаолияти биз учун тенгсиз қадрият, ҳижжалаб ўқилиши лозим бўлган бебаҳо қитобдир. Биз уларнинг илмий меросига қанчалик кўп мурожаат қилсак, қаддимиз шунчалар юксалиб бораверади.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист

ЯНГИ ЛОЙИҲА

ЗАМОНАВИЙ МУТОЛАА

Халқаро тадқиқот институти ўтказган сўровнома натижаларига кўра, 2016 йили дунёнинг энг китобхон миллати хитойликлар бўлишиди. Сўровномага жавоб берган хитойликларнинг 70 фоизи ҳар куни ёки ҳар ҳафтада ақалли бир марта китоб ўқишини таъкидлаган. Иккинчи ўринни россиялик (59 фоиз), учинчи ўринни испаниялик (57 фоиз) китобхонлар эгаллашди.

Ҳозирги кунда китоб ўқишнинг турли хил усуллари ва воситалари кенг тарқалган. Китоб топиш ҳам муаммо бўлмай қолган. Киши қаерда истаса, ўша ерда, қай ҳолатда бўлишидан қатъи назар муролаа қилиш имкониятига эга. Электрон китоб ўқийвериш кўз толиқмаслиги учун махсус "Bookreader"лар мавжуд. Фақат бизда биргина нарса – хоҳиш бўлса кифоя...



XXI асрга келиб ёшларни китобга жалб этиш қийин масалага айланган бораётгани сир эмас. Атрофимизни турли хил гаджетлар ўраб олаётгани, чалғитувчи нарсаларнинг тобора кўпайиб кетаётгани китобхонлик даражамизга ҳам путур етказмай қолмаяпти. Шундай вазиятда бутун мамлакат ёшларини китобга қизиқтирадиган қамраб оладиган, ўзининг қулайлиги ва жозибдорлиги билан ажралиб турадиган китобхонлик бўйича каттагина платформага эҳтиёж сезилади. Ана шундай китобхонлик "майдон"и яратилди ва кутилган натижага эриша бошлади. Бу – Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Халқ банки томонидан ташкил этилган "Муролаа" лойиҳасидир.

Лойиҳа илова шаклида бўлиб, қурилмага юклатилиши ва кўл телефонимизда доимий ҳамроҳимизга айланади. Ҳозирги кунда иловани 900 мингга яқин киши юклатгани кувонарли ҳол. Бу – лойиҳанинг муваффақиятидан далolat. Аини курсаткич кундан кунга ортиб бораётди. Энди ўтириб китоб ўқишга вақт йук, деган баҳоналарга ўрин қолмайди. Иловадаги китобларни инсталлан жойда, хоҳлаган пайтингизда муролаа қилишингиз ёки тинглашингиз мумкин.

Лойиҳа йил охиригача бир миллион китобхонга эга аудиторияни қамраб олиш, ўзбек адабиётини хорижга экспорт қилиш ҳамда болалар адабиёти бозорини яратиш каби учта асосий мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда.

Лойиҳа бугунги кунда ёшлар кўп қимматли вақтини телефонда ўтказиб, муролаадан узоқлашгани, чоп этилаётган китоблар адади ёшлар сонига мутаносиб эмаслиги, кутубхоналар етишмаслиги, электрон китобларнинг тарқоқлиги, китобларнинг сифатли аудио форматдаги шаклини яратиш тизимли йўлга қўйилмаганилиги ва болалар адабиёти инқирози каби кун тартибдаги муаммоларга ечим ўларок кўрилади.

Адабиётшунос, шоир ва ёзувчиларни, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини бир иловага жамлаш, таниқли суҳандон ва дубляж усталари орқали асарларни аудиолаштириш, болаларга оид асарларни ёшга қараб ажратиб, мамлакатда муролаа кўламини кенгайтириш мақсадида бутунлай янги "Китоб-кино" каби йўналишлардан фойдаланиш учун кўлаб тарғибот маҳсулотларини тайёрлаш лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар жумласидандир.

Ҳозиргача иловага 1310 дан ортиқ аудио ва 1610 га яқин электрон китоб жойлаштирилди. Бугунги янги ва шошилинч ҳаётимиз ҳисобга олинган ҳолатда, аудио-китобларга катта эътибор қаратил-япти. Боир Холмирозев, Дилдора Рустамова, Нарғиза Мирзаева, Элбек Мирзоҳидов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Маҳмуд Исмоилов, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Рамзиддин Сайфиев, Муслима Муродова каби машҳур, истеъдодли актёрлар ва суҳандонлар ёрдамида

китоблар овозлаштириляпти. Китобхонларда энди кўчада, транспортда, жисмоний меҳнат жараёни-ларида бевосита муролаага ошно бўлиш имкони мавжуд.

Болалар адабиётига ҳам алоҳида ургу берилмоқда. Лойиҳанинг болалар адабиёти бўлими қошида "Болалар ижодкорлари мактаби" фаолият кўрсатмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – лойиҳа доирасида ёш ижодкорлар жамоасини ташкил этиш, улуг аждоқларимизнинг болалиқдаги сиймолари акс этган китобларни кўпайтириш ва замонавий-миллий қаҳрамонларни яратишдир.

Иловага юклаган барча китоб муқовалари сунъий идрок томонидан яратилган. Бундан ташқари, китобларни аудиолаштиришда овозни клонлаштириш интеграцияси ҳам анча такомиллаштирилди. Бу нима дегани? Энди сиз бир асарни турли овозларда, энг ҳайратланарлики эса, марҳум ижодкорларнинг овозида ҳам тинглаш имконига эга бўласиз. Бу жараёнда, албатта, овозларнинг муаллифлик ҳуқуқига алоҳида эътибор қилинади.

Ҳар қандай давлатнинг, мамлакатнинг, халқнинг ягона нажоти – илмда. Илм учун ягона восита китоб ва китобхонликдир. Ҳамиша шундай бўлиб қолади. "Муролаа" лойиҳаси эса китобхонлик тарғиботи йўлида "йўлчи юлдуз" вазифасини уташга бел боғлайди ва сиз китобхонга энг яхшиларини илинади.

Гулсал ҚОДИРОВА,
адабиётшунос

ЖАДИДШУНОСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 31 август куни пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонида давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ва нурунийлар билан биргаликда ҳар йилдагидек қатагон қурбонларини ёд этиш маросимида қатнашди. Хиёбондаги рамзий қабр ёнида уларнинг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшларни Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида қаҳрамонна кураш олиб борган, мустабид чоризм, совет мустамлакачилиги қурбони бўлган, ўзга юртларда сургун, қамоқ азобини тортган, қатагоннинг ўткир тигидан ҳалок бўлганлар хотираси эслаб ўтилди.

Маълумки, халқимиз ўша даврларда кўп-лаб азоб-уқубатларни бошидан кечирди. Узоқ давом этган бундай синовли йилларда миллатнинг энг сара фарзандлари, мунавварлари, жадидларнинг ҳурликка эришиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиш йўлида олиб борган мардонатор курашлари тарихи ҳозирга қадар алоҳида ва мукамал тарзда ёритиб берилгани йўқ.

Мустамлака даврида юртимизда жуда кўп-лаб дин пешволари – қорилар, имомлар, мударрислар, зиёлилар ва уларнинг издошлари, бегона – "ёт унсур"лар, буржуа миллатчиси, босмачи, қўрбоши, лашкарбоши каби турли сохта айбонлар билан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган, жисмонан йўқ қилинган.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қатагон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг шаъни-шарафи ҳақида аччиқ, лекин бор ҳақиқатни айтиш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: "Мустақиллик байрами арафасида, бугунги тинчлик, эркинлик шароитида қаҳрамон боболаримизнинг пок номларини эслаш, табарруқ хотираларига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам

қарз, ҳам фарзидир. Шу боис дунёдан ўтган ватандошларимизнинг ҳам қадрини тиклаяпмиз. "Инсон – азиз, хотира – муқаддас" деган эзуғу шир ҳаётимиздан мустаҳкам жой оляпти. Табарруқ ёдгорлик мажмуалари бунёд этил-миз. Маърифатпарвар боболаримиз ҳақида бадий ва илмий асарлар, кинофильмлар яратилмоқда. "Хотира" китоблари нашрга тай-ёрланмоқда. Халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Мана, сўнги уч йил ичида 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қурбонларининг номини оқладик. Бу нимани аналатади? Бу – адолат синмаслигини, ҳақиқат барибир тантан-на қилишини аналатади".

Тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида қатагон қурбонларининг табарруқ исм-шарифларини кўп жылдлик "Қатагон қурбонлари" китобида қайд этиш, шу мажмуада барпо эти-ладиган рамзий китоб саҳифаларига ёзиб қўй-иш кўрсатилди. Чет элда ҳамда юртимиздаги қатор архивларда сақланаётган катта қўла-ли манбалар, ҳужжатлар, фотолар, фото ҳужжатлар, ёзишмалар, махбۇсларга тегишли ҳужжатлар ҳалигача тўлиқ ўрганилмагани таъ-кидланди. Бу борада хорижий мамлакатлар-га илмий экспедициялар ташкил этишни кенг йўлга қўйиш каби вазифалар белгилаб берил-ди.


Юртбошимизнинг илм ва ижод аҳли учун кўрсатаётган кўмаги бошқалар каби менга ва шогирдларимга ҳам гайрат-шижоат бағиш-лади. Айниқса, ҳар бир вилоятда Қатагон қур-бонлари хотираси музейларини барпо этиш ташаббуси туфайли ана шундай мазлумлар-нинг қисматига янги нуқта назар билан қар-аш бошланди. Ўзбекистонда олиб борилган му-дхш қатагон сиёсатининг фожиали оқи-батлари ва қатагон қурбонлари тақдирини та-дқиқ қилиш, уларни номма-ном аниқлаш, хотирасини абадийлаштиришдек савобли та-рихий-илмий ишларни бажариш кун тартиби-



даги муҳим вазифалар қаторидан жой олди.

Президентимизнинг 2024 йил 19 июлда "Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида"ги қарорида қайд этилганидек, "1937–1953 йилларда мустабид тузум томонидан халқимизнинг 100 мингдан зиёд вакил-лари қатагон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қулқ қилинган, сургунларга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, диний ула-молар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими хо-дими, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини



фидо этган, сиёсий қатагон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бў-йича кейинги йилларда юртимизда кенг қўла-ли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томони-дан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қур-бонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу жумлаларни ўқиган ҳар бир инсон қатагоннинг даҳшатли қамрови нечоғлик кенг ва қонли бўлганини яққол ҳис қилиши шубҳасиз, албатта. Шукрки, бугун ана шу та-рихимизнинг ёпиқ кунжақларига ҳам адолат нурулари тушмоқда. Дарҳақиқат, истиқлол даврининг ёшлари мустақилликдек улуг неъматга осон эришилмаганини, бу йўлда халқимиз бошидан кечирган меҳнат-ма-

шақатларни чуқур англамоқлари лозим.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали давр-да мустақиллигимизни ҳар томонлама муста-ҳкамлаш, тарихимизнинг номмаълум саҳи-фаларини тиклаш ва илмий нуқта назардан чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда бир қатор ишлар амалга оши-рилмоқда. Хусусан, музей ходимларининг изланишлари натижасида биринчилардан бўлиб "Қатагон қурбонлари хотира китоби. Андижон вилояти (1865–1991)" номли икки жилдлик тўплам чоп этилди. Бу асарнинг нашрига тегишли моддий сарф-харажатлар-ни Андижон вилояти ҳокимлиги ўз зиммасига олди.

Маъзур китобларда ўша машҳур йилларда Андижон уезди, Андижон округи ва Андижон области бўйича қатагон қилинган 4077 нафар юртдошимиз ҳақида маълумот келтирилган. Аслида ҳар икки империя даврида Андижон вилоятдан қатагон қилинганлар сони анча кўп бўлган. Уларни номма-ном аниқлаш бў-йича тадқиқот-қидирув ишлари давом эти-рилмоқда. Андижон вилояти сарҳадларида қатагон қурбони бўлганлар ҳаёти, фаолияти, фожиасини очиб берадиган рақамлар ҳозир-гача тўлиқ эмас. Бу борада ҳозиргача номла-ри номмаълум бўлган инсонлар ҳақидаги бар-ча манбалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Раҳимийлар оиласи ўз вақтида деҳқончилик билан шуғулланди. Бироқ бу оила энг олижаноб касб – муаллимлик билан жуда катта эътибор қозонди. Оиланинг отаси Мулла Раҳимжон домла муаллим сифатида янгиликка қизиқувчан, мактабларга кириб келаётган техника воситаларига, илғор ўқув усулларига, янги дарсликларга беварқ қарамайдиган ўқитувчи эди. Шунга кўра уни “қадимчилар” тоифасига киритиб бўлмасди.

Бу ҳол унинг ўғиллари ва қизлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Айниқса, унинг катта ўғли Собиржон Раҳимий жадид педагоги сифатида самарали фаолият олиб борди. Кейинги ўғли Шокиржон Раҳимий жадидлик ҳаракатининг йирик намоёнчаси, учинчи ўғли эса келажакда техника бўйича йирик олим – академик сифатида Техника университетиде фаолият кўрсатди. Қизлари Адолатхон, Саломатхон, Хосиятхон қизлар учун очилган дастлабки жадид мактабиде дарс беришди. Келини Бекоий Раҳимова эса Тошкентда қизлар учун очилган биринчи жадид мактабининг ташкилотчиси эди.

1907 йили Тошкентнинг Тахтапұл маҳалласида Мулла Раҳимжон домла вафот этди. Отаси ташкил қилган мактабда ўқиган, муаллимликка унга кўмаклашиб юрган Собиржонни маҳалла фаоллари отаси ўрнини муаллим этиб тайинлашди. Бу ҳақда Собиржон Раҳимийнинг ўғли, марҳум олим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ҳикмат Собиров куйидагиларни ёзиб қолдирган эди: “1907 йилда бувам Мулла Раҳимжон вафот этганидан кейин Тахтапұл маҳалласи фуқаролари тавсияси билан бувам очган мактабни давом эттириш отам Собиржон Раҳимий зиммасига юклатилган. Отам ҳам муаллимликка катта ихлос қўйган одам эди. Ўзбекча, татарча, русча рўзномаларни доим ўқиб, мутлақ қилайдиган ёш ўқитувчи отам бобомиздан қолган мактабни жадид усулида янги мактабга айлантирган. Мактаб “Собир домла мактаби” номи билан машҳур бўла бошлаган. Ўқитувчилар етиштирилган одам Бекоий Раҳимова, аммаларим Адолатхон, Саломатхон, Хосиятхон, кейинроқ амаким Шокиржон Раҳимий ҳам ўқитишда отамга кўмаклашиб, айрим фанлардан дарс берганлар”.

Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Рустамбек ибн Юсуфбек ҳожи каби Тошкентнинг етакчи педагоглари таъсирида ҳамда ўқитишда янгиликни тарафдори бўлган Собиржон отасининг “Раҳимия” мактабини бир йил давомида буткул жадид мактабга айлантирди, илҳом борица мактаб дарсликларини

МАЪРИФАТПАРВАР МУАЛЛИМЛАР: РАҲИМИЙЛАР



ни йиғди. Энди жадид мактаби “Раҳимия”нинг эътибори ўлка зиёлилари, мактабдорлари орасида ошиб борди. 1910 йиллар бошида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Тошкентда Собиржон Раҳимий хонадониде бир неча ой яшаб, Бешоғоч даҳасида жадид мактаби очди. Бу ишда катта тажрибага эга бўлган дўсти Собиржон яқиндан ёрдам беради.

Собиржон Раҳимийнинг турмуш қуриш масаласи ҳам айтиш жадид мактабини анча юксалтирган даврга тўғри келди. У 1910 йилда узокроқ қариндошлик робиталари билан боғланган Абдураззоқ қизи, муаллимликка меҳр қўйган Бекоийга уйланади.

Бекоий (Абдураззоқ қизи) Раҳимий 1893 йилда туғилган. Опти ёшидан маҳаллада очилган диний мактабда ўқийди. Онаси ёрдамида ўқиш ва ёзтиришни ёд олиб, “отин-ойи” бўлиб етишди. Тез орада Саидрасул Саидазизовнинг “Устоиди аввал”, Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Адиби аввал”, “Адиби соний” дарсликларини мустақил равишда ўрганиб, халифалик – муаллимларга ёрдамчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ўқитишда янги усулнинг икки тарафдори – Собиржон ва Бекоий ҳаёти ва фаолиятида янги давр бошланади. Бекоий бир йиллик фаолияти давомида халифалиқдан “усули савтия”да мустақил фаолият кўрсатувчи муаллим даражасига кўтарилди.

Бекоий Абдураззоқ қизи бошчилигида 1912 йилда Тошкентнинг Тахтапұл маҳалласида қиз болалар учун биринчи янги усулдаги жадид мактаби очилди. Аллоҳида таъкидлаш керак, Бекоий Раҳимова илм-фан таълим-тарбияга қизиқиши, унга интилиши билан бошқа-

лардан ажралиб турар эди. Айниқса, Собиржон Раҳимийнинг бу ишда Бекоийга кўрсатган ёрдами беқиёс катта бўлди. Чунки Собиржон Раҳимий ўз даврининг улғу педагог ва методистлари Авлоний, Мунаввар қори билан яқин ҳамкорлик қилган. Умуман, бу даврда таълим-тарбия тизимида юз бераётган буюк ўзгаришлар, яратилаётган асарлар Собиржон Раҳимий бошчилигида улар диққат-эътибори марказида турган.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида аёллар учун биринчи усули жадид мактабининг очилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу мактабининг шухрати тезда шаҳар бўйлаб кенг тарқалди. “Садоийи Туркистон” газетасида, ҳатто Қўқонда чоп этиладиган “Садоийи Фаргона” газетасида табриқмақола эълон қилинади. Мактабда имтиҳон ташкил этилди: ўқувчи-қизлар имтиҳон аҳли, ота-оналар олдида олган билимларини намоийш этдилар. Имтиҳон аҳли фарзандлари билимидан мамнун бўлишди. Бу имтиҳондан кейин 1914 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасида қиз болалар учун яна бир жадид мактаби очилди. Шу тариқа қиз болалар учун жадид мактаблари тармоғи Ватанимиз бўйлаб кенгайиб борди.

1917 йил жадид мутафаккирлари, жумладан, жадид педагоглари учун қувонч ва изтиробларга тўла йил бўлди: Февраль инқилобининг Романовлар тахтини барбод қилиши уларда миллат ва Ватаниннинг мустақиллигига зулмидан озод бўлишига ишончни кучайтирди. Жадид педагоглари, хусусан, Раҳимийлар Туркистон Мухторияти эълон қилинган 1917 йил 27 ноябрь тунини зўр мамнуният билан қутиб олдилар. Аммо бу сафар тақдир уларга қулиб боқмади, аксинча юз ўғирди.

Муваққат ҳукумат ағдарилиб, юрт большевиклар қўлига ўтди. Туркистон мухториятини оёққа туришга улғурмасданок янчиб ташладилар.

Қандай тузум, қандай шароит бўлмасин, жадид мутафаккирларнинг асосий вазифаси миллатни ўзлигини танитиш, илм-маърифатли қилиш, жаҳолатга ботган ҳаётдан огоҳ этиш эди. 1918 йилнинг 25 ноябридан Маориф халқ комиссарлигининг буйруғига мувофиқ анъанавий маҳаллий мактаблар ҳам, рус-тузем мактаблари ҳам, усули жадид мактаблари ҳам расман тугатилди. Уларнинг ҳаммаси совет мактаблари тасарруфига ўтди. Амалда ўзбек ва рус мактаблари фаолият кўрсата бошлади.

Собиржон Раҳимийнинг ғайратли, янгиликка чанқоқлиги укалари Шокиржон ва Фозилжон Раҳимийларга ҳам ўтган эди. Шокиржон Раҳимий дастлаб педагогик маҳоратини акасининг уй мактабиде намоён қилишга муваффақ бўлди. Собиржон Раҳимий ташкил қилган мактаб 1918 йилда Тошкентда совет мактаблари рўйхатида киритилиб, у намунали “Собир домла мактаби”га айланади.

Шу йили ташкил қилинган биринчи Мусулмон дорилфунунининг дарслар дастурини тузиш ва талабаларни жалб қилиш ишларида Собиржон Раҳимий беиминнат ёрдам кўрсатди.

Собиржон Раҳимий 1918 йилдан 1930 йилгача Октябрь районидаги собиқ 18-мактаб, кейинроқ 53-мактаб директори вазифасида ишлаган.

Қаҳрамонимиз қўлида таълим олган ўқувчилар республикамизда кўзга қўринарли кадрлар бўлиб етишди. Булар жумласида генерал Собир Раҳимов, биринчи аёл вазир-

лардан Восила Содикова, архитектор Жаҳонгиров, шоир Қуддус Муҳаммадий, профессор Ҳомил Ёқубов сингари зиёлилар бор.

1920 йилда Собиржон Раҳимийнинг турмуш ўртоғи Бекоий Тошкент шаҳрида очилган 38-мактабга ишга таклиф этилади. У дастлаб бошланғич синф муаллими, кейинчалик юксак педагогик қобилияти эътиборга олиниб, мактаб ўқув бўлими мудири лавозимига тайинланади.

Шу билан бирга, аёллар ўртасида саводсизликни тугатиш курсида ҳам ишлади. У ҳар қандай ўқув жараёнида ўзини етук педагог сифатида намоён қилади. Ўқитувчилик фаолиятига, халқ Ватан ишига бундай сидқидилдан муносабати туфайли уни Тошкент шаҳар меҳнатқашлари советига депутат этиб сайлайдилар.

1926 йилда “Эски ва янги мактаб” номли кинофильм суратга олинади. Собиржон Раҳимий бу фильмда янги мактаб ўқитувчиси, таниқли актёр Раҳим Пирмуҳамедов эса эски мактаб домласининг ролини ижро этган. Бу фильм орқали янги мактабларнинг обрўси ва ўқитувчининг шарафли меҳнати аҳолига кенг тарғиб этилган.

1930 йил Собиржон Раҳимий ўз маълумотини ошириш мақсадида ТошДўнинг педагогика факультетига ўқишга кириб, уни 1934 йилда тамомлайди. Ўқиш даврида ҳукумат тошқирлигига асосан 1929-1930 йилларда Чиноз туманида, 1931 йилда Хоразм вилоятининг Манғит туманида, 1932 йилда Тожикистоннинг Ховалинг райониде узоқ муддатли хизмат сафарларида бўлиб, маданий-оқартув ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишларида яқиндан ёрдам беради. Тошкентга қайтганида эса “Тошсельмаш” заводи қошидаги курсларда, 1932-1933 йилларда кечки ишчилар университетиде тил ва адабиётдан дарс ўтади.

Қатағоннинг авж палласида – 1938 йилда Раҳимийлар хонадонининг энг фаол жадид мутафаккири, педагоги, 20 дан ортиқ педагогик асарлар муаллифи Шокиржон Раҳимий отиб ўлдирилди. Жадид мактаблари ташкилотчиси Собиржон Раҳимий эса Сибирнинг Қолима лагерига сургун қилинади.

Хотин-қизлар учун жадид мактабларининг биринчи ташкилотчиси, илк жадид аёллари миздан бири, тумга ўқитувчи вазифасида ишлаган. Раҳимийнинг муаллимлик фаолиятига ҳам 1938 йилда нуқта қўйилади.

Наргиза СОБИРОВА,
мустақил тадқиқотчи

ХОТИРА АЗИЗ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Исомиддинхўжа Нурмамедов – Косонсой райони, Понихон қишлоғидан. Миллати ўзбек, саводи бўлмаган.

Мулла Асқар Назарматов – Наманган райони, Қизилқия қишлоғидан. Ўзбек миллатига мансуб. Диний мактабда ўқиган, уйланган, судланмаган.

Мулла Мамажон Қорабоев – Янгиқўрғон райони, Кушон қишлоғиде истиқомат қилган. Диний фаолият ва деҳқончилик билан шуғулланган. Уйланган, судланмаган.

Бобомухаммад Дадажонов – Наманган райони, Уйчи қишлоғидан. Ўзбек, уйланган, саводи бўлмаган, судланмаган.

Сайфуддин қори Абдужалилов – Наманган райони, Уйчи қишлоғиде яшаган. Миллати ўзбек. Имомлик қилган. Уйланган, судланмаган.

Шукурбой Шералиев – Наманган райони, Ёзтепа қишлоғидан. Ўзбек миллатига мансуб. Деҳқончилик билан шуғулланган. Қўрбоши Омон Полвонга ёрдам берган. Уйланган, судланмаган.

Абдуллабой Мансурбоев – Янгиқўрғон райони, Мирзаровот қишлоғидан. Миллати ўзбек. Ер-сув ислоҳоти даврида 14 таноб ер олган. Деҳқончилик билан шуғулланган, ажрашган, судланмаган.

Баҳром Мақсудов – Косонсой райони, Чамбаш қишлоғидан. Миллати ўзбек. Деҳқончилик билан машғул бўлган, уйланган, судланмаган.

Холмамад Устабоев – Наманган райони, Кулқўрғон қишлоғидан. Миллати ўзбек. Эшон Дадажон Носирхоннинг қариндоши бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланган, уйланган, судланмаган.

Иномжон қори Муҳаммадаминов – Машҳад қишлоғидан. Миллати ўзбек. Мадрасада ўқиган, уйланган, судланмаган. Носирхонтўра ва унинг фаол ёрдамчиси Мадраймин аксиланқилиб фаолиятини била туриб уларнинг яширинишига ёрдам берган. Уларни озиқ-овқат билан таъминлаган. ЎзССР ЖК 14–78-моддаси бўйича жиноятни содир этганликда айбланган.

Ҳожибой Абдубоев – Чуст райони, Какликқўрғон қишлоғидан. Собиқ волост бошқарувчиси. Инқилобга қишлоқ оқсоқоли бўлган. Истамбек қўрбошига ёрдам бергани учун ГПУ томонидан жавобгарликка тортилган. Истамбекдан босмачилик фаолиятини амалга ошираётган вақтда унинг гуруҳини ўқ-бори билан таъминлаш учун 800 рубль олган. Дир неча бор Истамбекни яширган. ЎзССР ЖК 14–78-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбланган.

Абдуллажон қори Мадрайимов – Чуст райони, Какликқўрғон қишлоғидан. Миллати ўзбек. 1922 йилдан 1925 йилгача имомлик қилган. 1929-1930 йилларда колхозда табелчи бўлган. 1930 йилда Ҳожибой Абдубоев билан ҳамкорликда Истамбек қўрбошини йигитлари билан бирга яширган. ЎзССР ЖК 14–78-моддаси бўйича айбланган.

Ибниямин Юсуфбоев – Наманган райони, Гулқўрғон қишлоғидан. Миллати тожик. Диний хизматчининг ўғли, уйланмаган. Акаси Муқим Носирхоннинг ёрдамчиси бўлган. ЎзССР ЖК 14–78-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбланган.

Ақромхонтўра Маллаҳўжаев – Наманган шаҳридан. Миллати тожик. Таниқли мударрис бўлган. Ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги тугатилган. 1929 йилда босмачилар билан алоқадорликда айбланиб ҳибсга олинган.

Зикриёхўжа Ақромжонов – Наманган шаҳридан. Ақромхонтўранинг ўғли, саводи, уйланмаган, судланмаган. Ранжит яқинидаги жангдан сўнг яширинган. Носирхонтўранинг бирлашган гуруҳига мансуб Мадумарнинг гуруҳидаги йигитларни Наманганда яширинишларига ёрдам берган. ЎзССР ЖК 14–78-моддаси бўйича айбланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Фарғонада Водилий тахаллуси билан танилган ижодкорлардан бири – истеъдодли шоир Рауф Парфининг устози Абдураҳмон Водилий бўлса, иккинчиси – улғу олим, муфаккиҳ, муаррих, шоир ва адиб Охунжон қори Водилий (1872–1958, яна бир тахаллуси Асий)дир. Бутун умрини илм ва зиё тарқатишга сарф этиб, 120 дан ортиқ илмий-маърифий асарлар эзиб қолдирган бу улғу зот нафақат Водил халқи, балки миллатимиз маънавий хазинасининг бебаҳо гавҳарларидан биридир.

Охунжон қори 1872 йилда Муҳаммад Расул оқчи (оқ газмол дўқондори) хонадониде таваллуд топади. Унга яхши ният билан Охунжон деб исм қўядилар. Етти ёшга етгандаёқ хат-саводи чиққан

ВОДИЛНИНГ ЖАДИД ШОИРИ

болани Қуръон таълимини олиши учун қўшни Чимён қишлоғига олиб бориб, у ердаги мактабдор Муҳаммад Аминга топширадилар. Охунжон тез фурсатда Қуръони каримни ҳифз қилади ва устоз ижозати билан қишлоққа қайтади.

Ёзма манбаларда Охунжон қорини “Зубдаи олийжаноб” – “Улуғлар афзали”, “Офтоб шаръдин” – “Шариат офтоби”, “Кашшоф ҳақойиқ” – “Ҳақиқатларни очиб берувчи”, “Зу фунун” – “Турли фанлар соҳиби” каби сифатлар билан таърифлашган.

1943 йили марказий ҳукумат рўсати билан Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси очилади. Янги очилган идора ишларини ташкил этиш ва юриштиш учун муфтий Абдулмажидхон

эшон ҳазратлари Охунжон қорини Тошкентга қақиради. Лекин қори ўз узрини айтади. Муфтий эса ҳеч бўлмаса иш бошлаб бериш учун лоақал бирор йил келиб туринг, деб иккинчи марта одам юборади. Шунда ҳам қори бир қанча сабаблар кўрсатиб, қабул қилмайди.

Бу давр мобайнида у кўплаб муътабар ва нодир китобларни оққа қўлчирган. Охунжон қори Водилий қилқалам соҳиби бўлиб, хатларни жуда чиройли битган. У хаттотликдан ташқари истеъдодли шоир бўлиб, шеърларида Асий тахаллусини қўллади. Бу устозининг тахаллусига мувофиқ ҳолда “маъзун” деган маънони англатади. Баъзан туғилиб ўсган қишлоғига нисбат берган ҳолда Водилий тахаллусидан фойдаланган.

Ҳозирда мавжуд бўлган қўлэзмаларда Охунжон қори қаламига мансуб юзга яқин асосан ўша даврда бўлиб ўтган муҳим воқеалар: масжид ва мадрасаларнинг қурилиш санаси, Хонақоҳ мадрасасида уюштирилган турли хатмоналар ва ўша даврда яшаб ўтган буюк шахсларнинг вафотларига бағишлаб ёзилган маълумотлар маълум.

Охунжон қори 1958 йил 9 март куни 86 ёшида вафот этди. Унинг вафоти муносабати билан Абдулазиз Ғолиб Марғилоний ва Муҳаммад Мусо Бекий томонидан ёзилган хотира ва марсиялар сақланиб қолган.

Ойбек БАРЗИЙЕВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

– Нодирбек Абдусатторов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов билан тушган суратингизга тез-тез дуч келамиз. Ушбу сурат тарихи ҳақида айтиб берсангиз.

– Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов билан учрашганимда 8 ёш эдим.

2012 йилда Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича болалар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритдим. Ўша йили Тошкент шаҳрида жаҳоннинг супергроссмейстерлари иштирокида Халқаро шахмат федерацияси (FIDE)нинг Гран-при учрашувлари ўтказилди. Ушбу мусобақаларнинг очилиш маросимига мени ҳам таклиф этишди.

Мен бу ерда кўп таниқли шахслар билан учрашдим. Аммо қаттиқ ҳаяжонланганим, ёшим кичиклиги сабабли кимлар билан суҳбатлашганим, суратга тушганлигини тўлиқ тасаввур қилолмасдим. Кейинчалик, ёшим улғайганидан сўнг билдимки, ўша маросим менга унутилмас инъомлар берган экан. Ўшанда шоир Эркин Воҳидов ёнимга

Дуонинг ижобати

келиб, боболарча меҳр билан пешонамдан ўлиб қўйган эди. Устоз шоирнинг нури табассуми, меҳри овози хотирамга муҳрланиб қолди.

“Кел, ўғлим, бир расмга тушиб кўяй сен билан. Аллоҳ омадингни берсин. Болам, катталар орасида ҳам жаҳон чемпиони бўлгин”, деб дуо қилди. Ўшанда газетасида шахматга бағишланган мақоласи чиқишини, бирга тушган суратимизни унга илова қилишини айтганди.

Шоиримизни устоз десам эриш туолмасмикан? Зеро, у кишининг шахматга бўлган муҳаббати, донна суришдаги маҳорати ҳақида бир қанча манбаларда ўқир эканман, ўзимда устоз дейишга журъат топдим. Мана, орадан йиллар ўтиб қайта-қайта чемпион бўлдим. Агар Эркин Воҳидов ҳаёт бўлганларида дуолари ижобат бўла бошлаганини ўз кўзлари билан кўрган бўларди.

Менда унутилмас хотиралар ва мана шу қимматли сурат қолди.

– Чемпионимиз спорт машғу-

лотларидан ортиб, мутолаага ҳам вақт ажратадими?

– Албатта. Ўзимнинг шахсий кутубхонам бор. Унга 300 дан ортиқ китобларни йиғганман. Уларнинг асосий қисмини шахматга бағишланган китоблар ташкил қилади. Бадиий адабиётларни электрон шаклда ўқийман, аудио шаклда эшитаман. Хорижий тилларни ўрганиш қулай бўлиши учун навбат билан рус ва инглиз тилларида ёзилган китобларни ҳам ўқийман. Қолаверса, жаҳон адабиётини ўз тилида ўқийман ўзгача гашти бор. Энди навбат миллий адабиётимиз дурдоналарига.

Биз Нодирбекка янги зафарлар тилаб қоламиз. Эркин Воҳидов ёзингидек: *Шахмат кўп ўйналаган,*

шеър кўп ёзилган,

Одатий юришлар ҳаммамизга ёд.

Боболар ўйнаган ўйинлар билан

Улар набирасин қилиб бўлмас мот.

Отабек БАКИРОВ,
Фейсбук



КИТОБ – БИТМАС ХАЗИНА

Бошланиши 1-саҳифада

Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Яқин беш-олти йил ичида одамларнинг китобга муносабати, фикри, қизиқишлари аввалгига қараганда беқиёс даражада ўзгаряпти. Албатта, яхшилик томонга. “Битмас хазина” деб номланган фестивал фикримнинг тасдиғидир. Бундай фестивал маҳаллаларда, иш жойларида, олий ўқув юртиларида, мактабларда ўша давраларга хос шаклини топган ҳолда тез-тез ўтказиб турилиши керак, деган фикр уйғонди менда. Бугун китоб чиқарадиган нашриётлар, қорхоналар олдингига қараганда анча кўпайган. Китоб сотадиган дўконлар ҳам оз эмас. Масалан, Тошкентнинг ўзида 300 дан ортиқ обод, шинам дўконлар мавжуд. Кўпинча кўча-кўйда, маҳаллаларда “одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, қўлидан телефон тушмайди”, деган гап-сўзлар эшитилиб қолади. Лекин бу гап у қадар тўғри эмас, вазиятни ҳаққоний ифода-ламайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Минг китоб” лойиҳаси китобхонлар доирасини кенгайтиришда катта аҳамият касб этапти.

Шуни айтиш жоизки, китобларсиз янги Ренессанс ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ренессанс – бу ўзи танлаган соҳа бўйича кўп китоб ўқиш, айна пайтада бадиий адабиётни ҳам четда қолдирмаслик дегани.


Ҳозирги кунда бизда ҳам “адабиёт агентлари” деган тушунча пайдо бўлди. Шундай агентликларнинг кўпайиши муаллифларимизнинг асарлари дунё бўйлаб тарқалишига ёрдам беради. Айна пайтада “Электрон китоблар платформаси” деган соҳа шаклланиб борапти. Бу ҳам китоб тарғиботида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Умрим бундан кўп билан бирга, китоблар орасида бўйишганман, ҳозиргача китоб ўқимаган куним менга жуда қоронғи бўлиб кўринади. Фақат адабиёт эмас, балки турли соҳадаги, масалан, кибернетика, киберхавфсизлик, жамият учун ниҳоятда муҳим бўлган экотехнология, информатика ҳақидаги энг зарур китобларни ҳам топиб ўқишга ҳаракат қиламан. Буларнинг бари ижодимга катта фойда беради.

Бугун фестивал доирасида намойишга қўйилган китобларнинг сони ва залворини чамалаб, мени бироз ваҳм босди. Қачон бу китобларнинг танқидчилари, таҳлилчилари пайдо бўлади?! Чунки танқид ва таҳлил пайдо бўлса, ўқувчида қайсибир китобни ўқишга қизиқиш уйғонади. Албатта, бу танқид ва таҳлил малакали бўлса.

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Ноширлик иши ва ёзувчилар билан ҳамкорлик мавзусидаги давра суҳбатида битта факт эшитдим: ҳар муаллиф ўз ҳисобидан 37 та китоб чиқарибди. Хўш, ўзининг ҳисобидан китоб чиқариш нимага зарур экан? Ёшим анча-



га бориб қолди, лекин ҳисоблаб кўрсам, шунинг ярмича ҳам китоб чиқармаган эканман. Мени ҳамма билади, деб айтолмайман, лекин фестивалда қатнашганларнинг тўқсон фоизи у одамни танимаслиги кўриниб турибди. Биз бозорни баҳона қилиб шундай китобларни чиқаряпмизу лекин савия йўқ. Муқованинг савиясини айтмасангиз, мазмун, бадиий савия деган гаплар йўқолиб кетди. Энди, умидли дунё. Ҳамма шоир ҳам бир маълум бадиий савияда ёзолмаса керак, ҳамма ёзувчи ҳам, масалан, маълум бир талабларга жавоб беролмаса керак. Лекин ич-этими еб, бир китобим чисса, деб орзу қилади.

Бир пайтлар Ғафур Ғулум номидаги нашриётда ишлаганман. Эндигина бозор иқтисодиёти кириб келганда ўша пайтларда “Ҳамкор” деган редакция бўларди. Биз шунақаларнинг китобини чиқариб, биринчи саҳифасига ёзиб қўярдик: “Китоб муаллифнинг ўз ҳисобидан чоп этилган”. Бу нарсалар ҳозир йўқ бўлиб кетди. Давра суҳбатида турли фикрлар қаторида ўз ҳисобидан чиқараётганлар китобининг сони 200-300 тадан ортмаслиги ҳақида гаплар бўлди. Хўш, ўн донна чиқарганда ҳам унинг савияси паст бўлиши керакми? Бу китоб борасидаги умумий сиёсатимизга, маънавиятга, адабий дидга зарба эмасми? Китоби нечта чиқишдан қатъи назар, бу одамнинг санъатга даъвоси бор. Санъат эса мукамал, бекаму кўст, фақат маънавий манфаатли бўлиши керак.

Ҳозир мен айтган “Ўз ҳисобидан чоп этилган”, деган гап йўқолиб қолди. Ниҳоятда савияси паст китобларнинг муқоваси чиройли, ичини қарасангиз, муаллиф нашриётга қандай келтириб берган бўлса, шундай кетган. Китоб чиқаришнинг техник ишлов бериш, техник безак, деган қонун-қоидалари бор. Лекин бирортасига риоя қилинмаган. Шу аҳволда том-том китоблар чиқаяпти. Пулга чиқарадиган одам адабиёт оламида эътироф этилган бўлиши ке-

рак. У чиқарган китоблар ҳақида китобхонларнинг, адабиётшуносларнинг эътирофлари чоп этилган бўлиши лозим... Хуллас, китоб ёзишда ҳам, уни чиқаришда ҳам профессионаликдан узоқлашдик. Ваҳоланки, китоб чоп этиш профессионалларнинг иши. Умуман, китоб чиқарадиган одам адабий жамоатчиликнинг фикрига, ёзувчилар уюшмасининг муносабатига асосланиши керак. Афсуски, ҳаммамиз шошяпмиз, қаёққадир шошиб кетаяпмиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими:

– Жаннатий табиат қўйнида жаннатий мавзуга бағишланган анжуман бўлди. Мутолаа маданияти, китобга муҳаббат уйғотишга бағишланган жуда кўп фикрлар айтилди. Ёзувчи, шоир, ўқитувчи, кутубхоначи, талаба, кимлигидан қатъи назар, фикри бир жойдан чиқаяпти. Китоб ўқиш, ўқишга ундаш, қизиқтириш ҳар бир онгли инсоннинг зиммасидаги катта вазифа.

Битта савол бор. Энг муҳим, энг оғир савол: ёшларни қандай қилиб китобга муҳаббатли қилиб тарбиялаш мумкин? Бир қараганда, оддийгина, жўнгина савол, лекин жавоби мураккаб. Президентимиз ташаббус кўрсатиб, китобхонлиқни ривожлантириш, китобхонларни рағбатлантириш йўлида ҳеч нарсани аямапти. Ҳаммамиз яхши биламиз, аввал китоб чиқариш муаммо эди. Ҳозир китоб дўконларида ҳар жиҳатдан хилма-хил китоб бор. Китоб кўпайди. Энди тарғиб қилишимиз керак.

Китоб – мулк, битмас-туганмас хазина. Битта китобни ўн марта ўқиб, ўн хил гапириб бериш мумкин. Китобнинг сеҳри, мўъжизаси шунда. Бугунги мавзунинг муҳимлиги шундаки, бу ерда айтилган ҳар бир гап жадид отахонларимизнинг, мунаввар инсонларимизнинг маслағига ниҳоятда мос тушади. Уларнинг ҳаммаси “Ўқи, ўқиш керак”, деб ўтиб кетди. Шунга қўшиб айтилайлик: ўқиш ва ўқиш керак, деган гап бугун, жадидлардан 100-120 йил кейин яна кун тартибига чиқиб турибди “Jadid” газетаси ва сайти, умуман, жадид тушунчаси шунинг учун ҳам жуда муҳим.

Абдуқаном ЙЎЛДОШЕВ,
ёзувчи:

– Анча йиллар олдин Хитойда йилга мингдан ортиқ адабий мукофотлар жорий этилиши уларнинг аксариятининг таъсисчилари хусусий сектор эканлиги ҳақида ўқиб қолганимда “Шундай катта давлат учун ҳам бу кўп эмасми?” деган ўйга боргандим. Тез орада Мо Ян “Мусаллас мамлақати” романи учун Нобель мукофотини олганида саволимга жавоб топгандай бўлдим. Ортиқча камтарлик қилиб ўтирмасак, бугунги кунда миллатимиз

адабиёти даргаларидан Эркин Аъзам, Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Даврон, Исажон Султон, Назар Эшонқул сингари ёзувчи-шоирларимизнинг асарлари дунё адабиётидан муносиб ўрин олишга лойиқ эмасми? Дейлик, Эркин ақанинг асарлари инглиз ва француз тилларида ўгирилиб, китоблар тақдироти Европада ўтказилгани бежиз эмасдир.

Шу сабабли бўлса керак, абадият хазинасига бағишланган навбатдаги “Битмас хазина” номли фестивалда адабиётимизнинг энг яхши асарларини хорихда чоп этиш, бу жараёнда “хашаки”, яъни пулини тўласангиз, бас, истаган “ижод намунангиз”ни чоп этиб берадиган “кўча нашриётлари” (қаранг, айна ўзимиздаги вазият!) эмас, халқаро нуфузга эга, рейтинг баланд ҳақиқий нашриётлар билан ҳамкорлик ўрнатиш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазалар жуда ўринли бўлди.

Анжуманда Жавлон Жовлиев, Саъдулла Қуронов, Мунира Норова сингари ёшларнинг айнан шу йўналишдаги маърузалари, олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботлари эътиборимизни тортиди. Фикримизча, фестивалда ёшлар нафаси сезилиб турди.

Фируз АЛЛАЕВ,
“Asaxiy books” нашриёти асосчиси:

– 2017 йил Президент фармони билан Ўзбекистонда ноширлик фаолияти лицензияланган фаолият туридан олиб ташланган. Яъни бу дегани нашриёт очадиган одам лицензия олиши шарт эмас. Натижада бу соҳага эркин кириб, ижод қилиш имконияти юзага келди. Бугун маркетингда муаммолар бор. Катта нашриётда маркетинг жамоаси тузиш имкони мавжуд, кичик нашриётлар эса аста-секинлик билан реклама бериш орқали эътиборни торта бошлашди. Бу бозор қонуни – махсуслот сотиш учун уни тарғиб қилиш керак. Хуллас, китоб маркетинги жуда муҳим масала. Чунки ҳар қандай китоб рекламаси, уни ўқиш учун ҳам реклама бўлади.

Ноширлик ва нашр соҳасида муҳим муаммолар бор. Бугун муҳокама қилинган муаллифлик ҳуқуқининг ҳимояси масаласини олайлик. Кўп ҳолларда муаллифлар билан тўғри шартнома қилинмайди. Уларнинг ишлари яхши молиялаштирилмаган бўлади ёки китобларни муаллифнинг руҳсатисиз қиқариб юборишади. Мана шу каби муҳим масалалар ҳақида гап кетганда турли хил ечимлар таклиф қилинди. Жуда кўп қонуний масалалар муҳокама қилинди. Улар орасида муаллифлар билан шартнома тузишда британча тизимга ўтиш борасида ҳам фикр бўлди. Бизда ҳозир муаллиф келиб нашриёт билан шартнома тузади. Нашриёт муаллифга бир марта ҳақ тўлайди. Лекин британча тизимда муаллиф ҳар бир сотилган китобидан улуш олади.

Бу улуш шартномада келишилганга қараб 10 фоиз, 15 фоиз бўлиши мумкин. Муҳими, китоб қанча кўп сотилса, муаллиф шунча кўп улуш олади. Бу эса муаллифга мотивация беради, яъни у қанча кўпроқ, муҳими яхшироқ, сифатли ишлари қилади.

Замира ИСМОИЛОВА:

– Китоб ярмаркаси бўлиши ҳақидаги хабарни эшитдимю болаларимни олиб шу томонга шошдим. Фарзандларим учун қизиқарли, саҳифалари ранг-баранг китоблар харид қилдим. Баъзи нашриётлар болаларимнинг китобга бўлган меҳрини кўриб, эртак китоблардан совға қилишди. Биз ота-оналар бу каби китоб фестиваллари ҳар фаслда, ҳамма ҳудудларда бўлишини истаймиз. Иложи бўлса, бундай маърифий тадбирларни кўчма шаклда, маҳаллама-маҳалла ўтказиб бориш керак. Ана шунда китоб ярмаркаларига боролмаган юртдошларимиз ҳам китоб зиёсидан баҳраманд бўлади.

Гулчеҳра УМАРОВА
ёзиб олди.



Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Хумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муяссар Иброҳимова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Тахририятга юборилган
мақолалар муаллифга
қайтарилмайди ва улар
юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 867
Лотин ёзувидаги адади – 11 914
Медиа кузатувчилар – 19 006
Буюртма: Г – 939

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр қўрсаткичи – 223.
Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgz@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00
Сотувда нархи эркин.

